Ўзбекистон овози

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 27 (21. 146) 1992 йил 7 февраль, жума

Баҳоси 60 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЁСИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ МАЖЛИСИ

5 февраль куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий Ижроия Қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий Кенгаш биринчи котиби М. М. Расулов олиб борди. Мажлисда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг IV пленумига тайёргарликнинг бориши масаласи кўриб чиқилди.

Пленум материалларини тайёрловчи ишчи гуруҳларига ва Марказий Кенгаш аппаратининг бўлимларига кўриладиган ҳужжатларнинг лойиҳаларини ишлаш жараёнида республикадаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни ҳисобга олиб, партия ташкилотлари олдида турган долзарб вазифаларни аниқлаш, омма ўртасида партиянинг нуфузини оширишга қаратилган тавсиялар бериш лозимлиги топширилди. Шу муносабат билан Марказий Кенгаш норматив-методик ҳужжатларининг лойиҳаларини тайёрлашни тезлаштириш тадбирлари белгиланди.

Сиёсий Ижроия Қўмитаси мажлисида Ўзбекистон ХДПнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашидаги қонунчилик ташаббусларининг йўналишлари ҳақидаги масалага катта эътибор берилди.

Сиёсий Ижроия Қўмитаси Ўзбекистон ХДПнинг Дастуридан келиб чиқиб, республиканинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётига доир энг долзарб масалаларга тааллуқли қонунларни қабул қилиш борасида ташаббускорлик кўрсатиш лозимлигини таъкидлади. Мажлисда кечиктириб бўлмайдиган масалалар — оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш ҳамда пенсия ва нафақалар таъминоти бўйича Ўзбекистон Республикаси Қонунлари лойиҳаларини тайёрлаш зарурлиги таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашидаги Халқ демократик партияси депутатлар гуруҳига ушбу Қонунлар лойиҳалари юзасидан ташаббус тариқасида тегишли таклифлар киритиш ҳамда шундай Қонунларнинг ишлаб чиқилиши ва Олий Кенгаш томонидан қабул қилинишида фаол иштирок этиш топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан Республикада Навоий вилояти ташкил этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон ХДПнинг Навоий вилоят ташкилотини тузиш тўғрисидаги масала кўрилиб, шу ҳақда тегишли қарор қабул қилди.

Мажлисда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Сиёсий ва ижтимоий тадқиқотлар институти Низоми ҳамда 1992 йилда олиб бориладиган илмий-тадқиқотларнинг асосий йўналишлари маъқулланди.

Шунингдек, мажлисда партия кадрлари ва партия ички ҳаётининг бошқа соҳаларига доир масалалар ҳам кўриб чиқилди.



БОБОЛАР КАСБИ ЭЪЗОЗДА

Абдураззоқ ота ўтган йили ота-бободларини эслаб қолди. Унинг етти авлоди тегирмончи ўтган. Ўзи ҳам бу ҳунарни эплаб-сеплаб уддаларди-ю, аммо авлод анъанаси — тегирмончиликни бўйнига олмаганди...

Кўп йиллар электр механик бўлиб ишлади. Кексайган чоғида эса ўзибоп иш излаб қолди. Бир фикрга келди: «жамоа хўжалиги дон-дун беряпти. Эски тегирмонни тикласам...» деган хаёл аҳдга айланди. Бир йил аввал хўжаликдаги тегирмонга зарур ускуналар топиб, тегирмонни юргизиб юборди.

Шундан буён у ўзини енгил ҳис этиб, бободари касбини эъзозлаб келмоқда. Ўзиям кўпни кўрган тегирмон. 1900 йили Абдураззоқ отанинг бобоси Ҳайитбобо бу тошни аллақаердан қишлоққа келтирганди.

Бухоро вилоят Шофиркон районидаги «Шофиркон» жамоа хўжалигида гуриллаб ишлаб турган тегирмонда ҳар куни 3 тонна ғалла унга айлантириляпти. Тегирмондан чиққан унни кафтига олиб кўрганда, Абдураззоқ Отаевнинг завқи ошади.

Ж. ҚОСИМОВ.

Суратда: А. Отаев ўз ўғли билан.

Сураткаш В. МОЛГАЧЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши республика комиссиясида

ОҚНИ ОҚ, ҚОРАНИ ҚОРА ДЕЙМИЗ

5 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 16-17 январда Талабалар шаҳарчасида рўй берган оммавий тартибсизликларнинг ҳақиқий тафсилотини, сабабларини аниқлаш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш билан боғлиқ масалаларни тезда кўриб чиқиш, шунингдек рўй берган воқеалар чоғида аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича республика комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда республика вазирликлари ва идораларининг раҳбарлари, олий ўқув юртларининг ректорлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Мажлисни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, комиссия раиси А. Муталов олиб борди. — Шу пайтгача комиссиямизнинг беш марта йиғилиши бўлиб ўтди, — деди Абдулхошим Муталович. — Йиғилишлар оралиғида тўртта гуруҳдан иборат, яъни кичик комиссиялар мунтазам иш олиб бордилар. Воқеалар тафсилоти батафсил ва чуқур ўрганилмоқда. Кўпгина жараёнларга аниқликлар киритилди. Бу тўс-тўполонда иштирок этганларнинг, жароҳат олганларнинг сони аниқланмоқда. Гувоҳлар билан суҳбатлашляпти. Барча далил-ашёлар экспертизадан ўтказилмоқда. Ҳеч шубҳа йўқки, комиссия ўз ишини ниҳоясига етказади ва сўзсиз айбдорлар аниқланиб, ўқ узганлар фош этилади.

Шу билан бирга ана шу тўс-тўполонларнинг келиб чиқишига маълум даражада сабаб бўлган камчилик ва нуқсонлар ҳам бир йўла бартараф этилмоқда. Айни пайтда Талабалар шаҳарчасида кенг миқёсда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури амалга оширилмоқда. Чунончи, ётоқхоналар таъмирланяпти, талабаларнинг нормал ҳаёт кечиришлари учун маданий-маиший шарт-шароитлар яратилмоқда...

Шунингдек, йиғилишда Талабалар шаҳарчасида фожиали воқеаларга олиб келган тартибсизликларнинг сабабларини аниқлаш ва келгусида бундай воқеалар рўй бермаслигининг олдини олиш чоралари ҳақида кичик комиссияларнинг раҳбарлари — Тошкент шаҳар ҳокими, комиссия раисининг ўринбосари А. И. Фозилбеков, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг бўлим мудири Б. Қодиров, Тошкент ҳуқуқшунослик доирилфунунининг ректори, комиссия аъзоси А. Аъзамхўжаев, шу масала юзасидан парламент комиссиясининг иши ҳақида шу комиссиянинг раиси И. Файзуллаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси прокурори Б. Мустафоев ахборот бердилар.

Чунончи, Тошкент шаҳар ҳокими, комиссия раиси ўринбосари А. Фозилбеков Талабалар шаҳарчасини ўз-ўзини бошқариш тизимига ўтказиш ҳақида ҳукуматга таклиф киритилганлигини маълум қилди. Бу ердаги ётоқхоналарнинг биринчи қаватларида кичик корхоналар, концернлар очиш ва талабаларнинг бўш вақтларида уларни фойдали меҳнатга жалб этиш чоралари кўрилмоқда. Маданий-маиший шароитлар яратиш, талабаларни фойдали меҳнатга жалб этиш каби ишларни фақатгина Талабалар шаҳарчасида эмас, балки бошқа олий билимгоҳларнинг ҳудудларида, техникумларнинг қошларида ҳам амалга ошириш мўлжалланган.

Маълумки, кўп сонли ота-оналарнинг илтимосига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қошида парламент комиссияси ташкил этилган эди.

— Бизнинг комиссиямиз, — деди унинг раиси, Ўзбекистон халқ депутати Иброҳим Файзуллаев, — ўн кун давомида иш олиб борди. Улар 600 га яқин ўқитувчи ва талабалар билан ҳамда ота-оналар билан суҳбатлашдилар. Ўзаро суҳбатлар давомида кўп нарсалар аён бўлди. Биз ўз фикр-мулоҳазаларимизни ёзма равишда ҳукумат комиссиясига топширдик, — деди у ўз сўзида.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси прокурори Б. Мустафоев республика прокуратураси томонидан қўзғатилган жиноий иш бўйича тергов ишлари изчил давом этаётганини маълум қилди. — Ҳозир 150 нафар терговчиларимиз Тошкентда ва бошқа вилоятларда иш олиб боряптилар. Ҳозиргача 3 минг талаба ва қарийб 200 га яқин милиция ходимлари билан суҳбат қилинди, — деди у. — Бу тўс-тўполонларда иштирок этган ички ишлар ходимларининг сони, қуроллар сони, қайси биридан ўқ отилганлиги экспертиза хулосалари билан бирга чуқур ўрганилмоқда. Тергов ишлари давом этади, — деди у. — Чунки минглаб кишиларни сўроқ қилиш осон эмас. Айрим кишилар терговни чалғитишга уриняптилар. Лекин улар чучварани хом санайдилар. Ўқ узган кишилар ким эканлиги ҳам, оммавий тартибсизликлар ортида қайси «қора шарпалар», кимлар турганлиги ҳам маълум бўлади.

Ўзбекистон ички ишлар вазири ўринбосари Ғ. Раҳимов ҳам милициянинг олиб бораётган ишлари, терговга бераётган кўмаги, жойларда вазиятни барқарорлаштириш учун қилинаётган ишлар хусусида гапириб берди.

Йиғилиш сўнггида Бош вазир комиссия раиси А. Муталов бу мажлисга хотима ясаб, республика комиссияси ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда муайян иш олиб бораётганлигини яна бир бор таъкидлади. Айни вақтда унинг фаолиятини янада кучайтириш зарурлигига асосий эътиборни қаратиш зарурлигини уқтирди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. Самандаров, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгашининг раиси Б. Алламуродов қатнашдилар.

Тўхтамурод ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ПРОТОКОЛ ИМЗОЛАНДИ

Туркия жумҳурияти Миллий таълим вазирининг ўринбосари К. Колукис бошчилигидаги делегация Ўзбекистонда меҳмон бўлди.

Президент И. А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Туркияга борган чоғида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш ва кенгайтиришга қаратилган муҳим ҳужжатлар имзоланган эди. Туркия Жумҳурияти Миллий таълим вазирлиги делегациясининг ташрифи бунинг натижаси бўлди. Меҳмонлар Тошкент мактабларига, олий ўқув юртларига бордилар, муаллимлар билан суҳбатлашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида делегация аъзолари билан учрашув бўлди. Халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев билан суҳбат чоғида таълим, ёшларни тарбиялаш борасидаги истиқболли масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Икки вазирлик ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш тўғрисида протокол имзоланди. Ҳужжатда тажриба, илмий ахборот, ўқув адабиётлари алмашиш назарда тутилади. Ўқитувчиларни бир-бирларига юбориб туриш, қўшма илмий анжуманлар ўтказиш режалаштирилган. Ўзбекистонда турк тилини чуқур ўрганиш мактабини очиш мўлжалланмоқда.

[ЎзА].

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Ж. А. АБДУЛЛАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Жўра Абдуллаевич Абдуллаев Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 5 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Ш. О. АЛИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Шавкат Орифжонович Алимов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 5 февраль.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● Сирдарё вилоятининг Илъич, Оқолтин районларида Гулистон сут заводининг филиаллари ишлай бошлади. Натижада ташиш чоғида хом ашёнинг нобуд бўлиши жуда камайди. Филиалларда сутни пиширгиш, қуйиш, қаймоқ ва ёғ олиш ускуналари ўрнатилган. Совутиш қурилмалари ҳам бор. Шуниси қувончлики, қиш даврида завод ходимларининг иши камаймаяпти. — хўжаликлар сут етказиб беришни кўпайтирмоқда.

● Асакадаги «Коммунизм» колхозида қурилган ярим гектарлик иссиқхонада ҳозирча сабзавот ҳам, ошқўк ҳам йўқ. Аммо бу ерда иссиқхоналардан қандай фойдаланиш малакасини ҳосил қилиш мумкин. Ёрдамчи хўжаликлар эгалари район бирлашмасининг ташаббуси билан янги иссиқхонада пленка ёки ойна остида маҳсулот етиштирмоқчи, томорқада сабзавот, ошқўк, лимон, гул етиштиришни кўпайтирмоқчи бўлганларни ўқитиш ташкил этилди.

[ЎзА мухбири].

ҚУВА РАЙОНИДАГИ «ГУЛИСТОН» ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ ХДП БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИНИНГ ТАШАББУСИГА ҚУШИЛИБ...

БОРИМИЗНИ АЯМАЙМИЗ

Алишер Навоий номли давлат хўжалиги Ульянов районида йирик, кўп тармоқли, иқтисодий жиҳатдан бақувват хўжалик.

Хўжалик кейинги вақтда ўз ҳудудидан олий ва ўрта махсус ўқув юртларига бориб таҳсил олаётган талабаларга ғамхўрликни кучайтирмоқда. Ўғил-қизлар ҳар фаслда ота-оналари бағрига келишганда улар билан учрашувлар ташкил этилиб, бир пиёла чой устида суҳбатлар уюштирилаётир. Хўжалик маъмурияти ва Халқ демократик партияси бошланғич ташкилоти ташаббуси билан ўтказилган учрашувда уларга 12 минг сўм моддий ёрдам пули берилди. Умуман ўтган йили талабаларга 42 минг 338 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Айни пайтда қишлоқлардан республиканинг турли шаҳарларидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида 350 нафар талаба таълим олмоқда. Шундан 27 нафари бевосита хўжалик йўлланмаси билан ўқишга бориб, таълим олаётир. Уларнинг ҳар бирига хўжалик ҳисобидан ойлик стипендия белгиланди. Шу йил январь ойида 350 нафар талаба билан ўтказилган учрашувда ота-оналар ҳам иштирок этдилар. Ҳар бир талабага 100 сўмдан 35 минг сўм маблағ тарқатилди.

— Қува районидаги «Гулистон» жамоа хўжалиги бошқаруви ва Халқ демократик партияси бошланғич ташкилоти аъзолари республикадаги барча давлат, жамоа хўжаликлари, меҳнат жамоаларига мурожаат қилиб хайрли ишга қўл уришди, — дейди бош ҳосилот Абдуқодир Мақсадов. — Чиндан ҳам биз, ота-оналар талабалар муаммолари билан жиддий шуғулланишимиз керак. Бу борада Тошкентдаги Талабалар шаҳарчасида рўй берган воқеа ҳаммага сабоқ бўлди. Хўжалигимиз фаоллари ота-оналар билан шу мавзуда кенгашиб, бундан кейин ҳам муттасил ўрта махсус ва олий ўқув юртлари раҳбарлари билан келишилган ҳолда фарзандларимизга баҳоли қудрат иқтисодий кўмаклашишга қарор қилдилар.

Дастлабки кунда улар учун 110 минг сўм маблағ ажратдик. Керак бўлса, ўқув юртларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳам яқиндан ёрдам берамиз. Бунга ҳозир имкониятларимиз бор. Биргина ўтган йили хўжалигимиз қарийб 36 миллион сўм даромад қилди. Бунинг етти миллион сўмдан кўпроғи соф фойдадир. Ажойиб мутахассислар, истеъдодли касб эгалари етишиб чиқиши учун билимгоҳларга камарбаста бўламиз.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Шу сонга мактуб

БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИБ

Тошкент Талабалар шаҳарчасида бўлиб ўтган тартибсизликлар ҳар биримизнинг қалбимизни ўртаб юборди. Сирасини айтганда биз талабаларнинг юксак билимли ва одобли бўлишига бутун куч ва имкониятимизни сарф қилмоқдамиз. Биз хизмат қилаётган Андижон давлат муаллимлар олий билимгоҳини дорилфунунга айлантириш нияти ҳам шундан келиб чиқмоқда.

Олий билимгоҳимиз ташкил этганидан буён унинг негизида Наманган педагогика, Андижон тиббиёт, Андижон пахтачилик, Андижон тиллар педагогика институтлари ва Тошкент иқтисодиёт дорилфунунининг Андижон филиали ва бошқа ўқув юртлари ташкил топган.

Олий билим юртимизнинг 6 та факультетида 14 фан доктори ва профессори, бир ЎзФА мухбир аъзоси ва 125 фан номзоди, доцентлар, катта ўқитувчилар кучи билан кундузги бўлимда 2400, сиртқи бўлимда эса 2100 талаба таълим ва тарбия олмоқда.

Олимларимиз фан докторлари ва номзодлари тайёрлашда қатнашмоқда. Халқаро илмий анжуманларда, конгрессларда илмий маърузалар билан чиқишмоқда, жумҳуриятимизнинг ижтимоий ва маънавий ҳаётида фаол иштирок этмоқдалар.

1983 йили олийгоҳимиз янги ўқув-лаборатория биносига кўчиб ўтди. Бугунги кунда бу ерда меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва гигиена талаблари қоидалари даражасидаги ўқув хоналари, заллари, лабораториялари ва бошқа хоналар ишлаб турибди. Бундан ташқари 200 ўринли ўқув, 100 ўринли илмий заллар, рус тили, чет тили ва эски ўзбек ёзувини ўрганиш учун лингафон хоналари, ҳисоблаш маркази ва бошқа компьютерлашган замонавий ўқув хоналари ҳам мавжуд. Институтда Ўрта Осиё ва Қозоғистон олий ўқув юртлари ичида ягона обсерватория ишлаб турибди.

Билим масканимиз ўзининг 120 ўринли миллий таомлар, 160 ўринли ошхоналарига, 80 ўринли буфет ва 100 ўринли ёшлар бирига эга. Бундан ташқари озиқ-овқат магазини, новвойхона ҳамда тикув-бичув устахоналари ишлаб турибди. Талабаларнинг соғлиғини сақлашга алоҳида эътибор бериляпти. Кооператив ўқитувчилар уйи ва коттежларда истиқомат қилаётган профессор-ўқитувчилар, инженер-техник ходимлар янада самарали ишлаётир. Талабаларнинг 90 фоизи ётоқхоналар билан таъминланган.

Институт профессор-ўқитувчилари илмий жараёнда фаол қатнашишлари учун барча шароитлар мавжуд. Биолог, химик ва физик олимлар ҳамкорлигида асосий илмий-тадқиқот олиб борилаётган Физиологик актив моддалар, Биостимулятор, Ярим ўтказгичлар, Суюқ кристаллар лабораториялари ҳамда 4,5 миллион сўмга яқин хўжалик-шартнома ишлари олиб борувчи «Тўлқинли жараёнлар» илмий-тадқиқот шўъбаси ишлаб турибди. Ўзбекистон тарихи ва ўзбек тилшунослиги юзасидан чуқур илмий муаммолар ҳал қилиниши билан бирга олий, ўрта мактаблар учун дарслик ва қўлланмалар яратилмоқда. Шу йилдан бошлаб институтда Ўзбекистон халқлари тарихи, химия, биология ва ўзбек тилшунослиги мутахассисликлари бўйича аспирантура очилди. Бугунги кунда институт ўқитувчилари марказий шаҳарлардаги илм даргоҳларида тўртта докторлик ва йигирмага яқин номзодлик диссертацияларини тайёрлаш билан машғул бўлмоқдалар.

Жумҳуриятимиз ҳудудидаги турли илмий муассасалар ва олий ўқув юртларида 20 дан ортиқ фан доктори, 70 дан ортиқ фан номзодлари ҳамда Фанлар академияларининг аъзолари олий ўқув юртимиз билан ҳамкорликда иш олиб бориш ниятидадирлар.

Олий ўқув юртимиз дорилфунунга айлантирилса, биз бир ёқадан бош чиқариб, талабаларни юксак фазилатли, билимли ва эътиқодли руҳда тарбиялашга яна ҳам муносиб ҳисса қўшган бўлур эдик.

А. ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзоси.
Қ. ПАРПИЕВ, Р. ШАМСУТДИНОВ, И. АСҚАРОВ, А. НУРМОНОВ, А. АБДУЛЛАЕВ, О. ТОЖИБОЕВ, Ғ. АБДУЛЛАЕВ, профессорлар.

Мактубга олий ўқув юртининг 43 нафар профессор-ўқитувчиси имзо чеккан.

Танишинг: Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси раиси

Рустам ШОҒУЛОМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Рустам Шоғуломович Шоғуломов Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси раиси этиб тайинланди.

Р. Ш. Шоғуломов 1933 йили Тошкент шаҳрида туғилди. Тошкент ҳуқуқшунослик институтини битирган. У ўзининг йигирма йилдан кўпроқ меҳнат фаолиятини асосан ёшлар матбуотига бағишлади, «Ёш ленинчи» рўзномаси муҳаррири ўринбосари, муҳаррири бўлди. Р. Ш. Шоғуломов сўнггги йилларда «Меҳнат» нашриётида бўлим мудири, «Ўзбекистон» нашриётининг директори лавозимларида хизмат қилди.

— Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришди, — дейди Р. Ш. Шоғуломов. — Лекин олдимизда катта довонлар турганлигини яхши биламиз. Шу кунларда республикамиз матбуоти қоғоз танқислигини бошдан кечирмоқда. Биз матбуот, босмахона ва нашриётларнинг қоғоз танқислигига чек қўймоқчимиз. Шу билан бирга болалар ва ўқув юртлари талабалари учун ҳақиқат нури йўғрилган дарсликлар, қўлланмалар, Ўзбекистон мустақиллиги, тарихимиз, бой меросимиз, иқтисодий ва ҳуқуқшунослик руҳидаги сара китоблар нашр этишга, китоб савдосини яхшилашга чоғланиб турибмиз.

Республикамизда целлюлоза-қоғоз муаммоси кўндаланг турибди. Ҳукуматимиз бу борадаги имкониятдан кенгроқ фойдаланиш ва яқин келажакда қоғоз ишлаб чиқаришни вужудга келтиришга интилмоқда. Бу соҳада илк қадамлар қўйилмоқда. Шунингдек, босмахоналардаги эскирган асбоб-ускуналарни замонавий жиҳозлар билан алмаштира бориш, китоб нашр этиш ва тарғиб қилишни жаҳон миқёсига олиб чиқиш истиқболдаги вазифалардандир.

М. ПИРМАТОВ.

ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

ВАЗИФА МУРАККАБ, МАСЪУЛИЯТ КУЧЛИ

Ховос темир йўл станциясидаги локомотив депоси бошланғич партия ташкилотида бўлган учрашув ҳалигача ёдимда Гап янги тузилган Халқ демократик партиясининг обрўси ҳақида борарди. Ўшанда партия аъзоларидан бири — Неъмат Исроилов сўз олиб «Бизлар энди жамиятимиз тараққиётига хизмат қилиш учун қайси йўлдан боришимиз, ҳукуматимиз, қолаверса ўз маъмуриятимиз, меҳнат жамоамизга сезиларли таъсир ўтказиш учун қандай восита ва чоралардан фойдаланишимиз лозим?» — деб сўраган эди. Уни яхши танийман. Ўзининг кўп йиллик ҳалол меҳнати, тўғри сўзлиги билан обрў-эътибор топган одам. Бошланғич ташкилот йиғилишида у кўтарган масалага келсак, у фақат Неъмат аканигина эмас, балки ўз ҳаётини партия ҳаёти билан боғлаган ҳар бир софдил кишини жиддий ўйлантириб қўйган эди.

Вилоятимиз партия ташкилоти таркибида 436 та бошланғич ташкилот бор. Партия аъзоларининг сафи эса тобора кенгайиб бормоқда. Ҳозиргача уларнинг сони 13 минг кишига етди.

Биз ўзимизни собиқ Коммунистик партиянинг вориси деб эълон қилдик. Ворисликдан асосан Компартия мол-мулкига эгалик қилиш тариқасида фойдаланяпмиз. Кураш йўлини танлашда эса мутлоқ ўз йўлимизга, халқимиз меҳри тушган Дастурга эгамизки, масаланинг бу томонларидан юзимиз ёруғ, қалбимиз бутундир. Партиямиз ўз номи билан халқ партияси. У халқнинг манфаатини кўзлаб ишлайди. У ўз иш усул ва услубларига эга. Бутунлай янгича шаклда иш олиб боради. Ҳар жиҳатдан ўзига хослиги билан ажралиб туради. Шу сабабли баъзи шаҳар, район кенгаши ёки партия қўйи бўғинлари котибларининг бизга мурожаат қилиб, «аниқ топшириқ беринглар, бизлар ҳам бир ишлаб ўзимизни кўрсатайлик», деб илтимос қилишлари таажжубли туюлади. Чунки — бу ўша эскича ишлашнинг қусури албатта. Шундай пайтда вилоят партия кенгашида уларга ихтиёр ўзингизда, ўзингиз ташаббус кўрсатинг, муаммоларни ўзингиз ҳал этинг, деб жавоб бериб жуда тўғри қиладилар.

Шундай кезларда беихтиёр ўйланиб қоласан киши. Бу нуқсонлар неча-неча йиллар мобайнида пайдо бўлган, кадрларимиз юқорига кўз тикиб у ердан олган топшириқни бажаришга кўникиб қолишган. Ҳозирги пайтда бу услуб ярамайди. Қаерда ва қайси бўғинда эканлигидан қатъи назар ҳар бир киши мустақил ишлашга, ўз жумбоқлари, муаммолари, ташвишларини ўзи ҳал қилишга ўрганиши керак. Одамларни мустақилликка ўргатишимиз лозим. Бу партия ташкилотлари олдида турган энг муҳим вазифалардандир. Шунинг учун таъсирчан иш усул ва услубларини топишимиз, қўллашимиз лозим.

Биз ана шуларни эътиборга олиб ўз ишимизга қатор тузатишлар киритдик. Жумладан, вилоят партия кенгаши қошида «Мулоқот» партия клубини ташкил этдик. ва унинг дастлабки машғулоти ҳам бўлиб ўтди. Машғулотни фаол жамоатчилардан И. Қувондиқов ҳамда В. Дубков олиб боришди. Дастлабки машғулот эркин мавзуда ўтган бўлсада, гап асосан партия дастури ҳақида борди.

«Мулоқот» сиёсий клубида баҳслар очиқ-ошкора тарзда олиб борилади, унда партия аъзолари билан бирга партиясиз, барча қизиққан кишилар ҳам эркин қатнашишлари мумкин. Ундан кўзланаётган мақсад ҳам маълум — одамларни ўзаро фикр алмашувга, ҳамкорликка, сиёсий фаолликка чақиришдир. Шунинг учун ҳам биз айниқса кўпроқ ёшларни клублар машғулотига чорлаш тарафдоримиз. Мустақил жумҳуриятга мустақил фикрлайдиган, ҳар қандай мураккаб сиёсий вазиятларда ҳам зир тўғри йўлни топа оладиган кишилар жуда ҳам керак.

Вилоят партия кенгаши сиёсий клубларни барча шаҳар, район партия кенгашлари, йирик ҳудудий ва бошланғич ташкилотлар қошида ҳам ташкил этиш ниятида. Нега? Бунинг сабаби бор. Умумий йиғилиш ўтказилган пайтларда музокараларда тўртбеш, нари борса саккиз — ўн киши сўзга чиқади холос. Қолган партия аъзолари эса иштирок этувчи ва овоз берувчи бўлиб қолаверадилар. Сабаби — бировлар гапиришга тортинса, бошқалар эса «гапирганинг билан бари бир фойдаси йўқ», деб ўйлайди ёки ўз фикр-мулоҳазасини партия жамоаси ўртасига олиб чиқишга тортинади. Ваҳоланки, муҳокама этилаётган масала юзасидан ҳар бир кишининг ўз фикр-мулоҳазаси бўлиши лозим.

Биз ўртадаги ана шу кўринмас ғовни орадан олиб ташлашимиз керак. Ана шундагина ўзаро ҳамжиҳатлик, ишонч, эркин фикр алмашиш муҳити юзага келиши мумкин. Қолаверса, иттифоқ, ҳамфикр бўлиш, ўз фикр-мулоҳазаларини бирбирига очиқ айта олинадиган жойдагина ўзгариш вужудга келиши мумкин. Энг муҳими бундай муҳитда инсон дунёқараши, характери, сиёсий онги шаклланиб боради, киши ғоявий жангчи сифатида чиниқади. Агар биз шу муҳим жиҳатларга алоҳида эътибор бермас эканмиз, иш услубларини олдинги даврдагилардан фарқлаш қийин кечади. «Мулоқот» сиёсий клубларининг ишини кенгайтириш ва жонлантиришдан кўзлаётган мақсадимиз ҳам ана шу.

Партия ходимларининг бугунги асосий вазифаларидан бири бошланғич ташкилотлар фаолиятини жонлантириш ва ҳар томонлама кучайтириш, уларга эътиборли бўлишдир. Биз фаолиятимизнинг бош йўналишини ана шу масалага қаратяпмиз.

Партиямиз Низоми эркин ишлашимиз учун йўл очиб берган. Агар биз одамлар орасига кириб бориб, улар билан иш олиб бормас эканмиз, ҳар қандай фаолиятимиз маъзи пуч бўлиб чиқаверади.

Вилоят партия ташкилоти қўйи бўғинларни юқоридан буйруқ бериш йўли билан бошқармоқчи эмас. Бу борада Марказий Кенгаш Сиёсий Ижроия Қўмитаси ҳам намуна кўрсатмоқда. Бирор масала билан юқори органга мурожаат қилинса, у ердан албатта «ўзларингиз ўйлаб кўринглар, агар маъқул топсангиз қилаверинглар», дейишади, зарур ҳолда маслаҳат ҳам беришади. Шундан сўнг кўтарилаётган масала ҳақида яна қайта-қайта ўйлаб кўришга, етти ўлчаб бир кесишга мажбур бўляпмиз.

Биз қўйи ташкилотлар билан ишлашда ҳам ана шу йўлдан бораяпмиз. Аввало, масала ечимини уларнинг ўзига тавсия қиламиз. Бордию, муносабат билдириш зарурати туғилгудай бўлса, ўша ерга албатта вакил юборамиз. Улар партия аъзолари, бошланғич ташкилот етакчилари билан биргаликда кенгашиб, сўнг зарур хулоса чиқармоқдалар. Шунга эришяпмизки, бошланғич ташкилотларда ўзлари қабул қилган қарорни ўзлари амалга оширишади. Шу сабабли ана шундай қарорнинг қадри ҳам бошқача бўлаяпти. Бу тадбирлар амалда яхши самара бераётганини ҳисобга олиб, вилоят партия кенгаши яқинда 40 нафар кенгаш аъзосини бошланғич ташкилотларга биркитиб қўйди. Улар вақти-вақти билан ўз оталиғидаги ташкилотларда бўлиб, барча зарур соҳаларда ёрдам берадилар. Уларнинг бошланғич ташкилотларига дастлабки «сафари» ўзини тўла оқлади. Тажрибали партия ходимлари 100 дан ортиқ бошланғич ташкилотларда бўлиб, у ердаги ишлар аҳволи билан танишдилар, партия ички ишларини олиб боришда, аниқ мақсадларга йўналтирилган иш режалари тузишда ёрдам бердилар. Учрашувлар, долзарб мавзуларда савол-жавоблар ўтказдилар. Биз ушбу «сафар» натижаларини атрофлича умумлаштириб, тегишли хулосалар чиқардик ва олдинда турган вазифаларни белгилаб олдик. Шу тадбирдан сўнг бошланғич ташкилотлар билан жонли алоқалар янада мустаҳкамланди, янги ишлар учун йўл очилди. Кейинги вақтларда шахсан ўзим ҳам ўндан ортиқ бошланғич ташкилотларда бўлиб, партия аъзолари ва партиясизлар билан суҳбатлашдим, одамлар ўртасида жонланиш, сиёсий фаоллик кучайгани гувоҳи бўлдим.

Саиджон Усмоновни темир йўлчилар шаҳарчаси — Ховосда кўпчилик яхши танийди. Жамоат ишларида тажриба орттирган, адолат ва ҳақиқатпарварлиги билан ҳурмат-эътибор қозонган. Шу сабабли ҳам ховослик темирйўлчилар — Халқ демократик партияси аъзолари уни ўзларига етакчи қилиб сайладилар. Бу ерда ҳозир вилоятимиздаги энг йирик ҳудудий партия ташкилоти вужудга келди. Чунки, шаҳардаги бошқа катта-кичик ташкилотлар ҳам темирйўлчилар партия ташкилотига бирлашиш истагини билдирдилар. Ҳозир ушбу ташкилот ҳисобида 300 дан ортиқ партия аъзоси бор. Уларнинг партия жамғармасини яратиш ҳақида қабул қилган қарори ҳам изчил амалга ошяпти. Ҳозир бошланғич ташкилот жамғармасида 16 минг сўмдан зиёд пул тўпланди. Кўриниб турибдики, бу ердаги ишчанлик, тадбиркорликни бошқа баъзи шаҳар ва район партия ташкилотлари учун ибрат қилса арзийди.

Боёвут районидаги Ленин номли жамоа хўжалиги партия ташкилоти хўжалик раҳбарлари билан бирга ўзаро тил топишиб ишлаяпти. Бу ердаги ишларда сеники-менки, деган айириш йўқ. Ҳар қандай тадбир хўжалик раҳбарлари билан ҳамкорликда, биргаликда амалга оширилади. Бошланғич ташкилот котиби Комилжон Шарофбоев партия аъзолари, жамоа билан бир жон, бир тан бўлиб кетишга, ҳамиша халқ билан бирга бўлишга интилмоқда. Гулистон шаҳридаги вилоят электр тармоқлари корхонаси, Оқолтин районидаги С. Сиддиқов номли, Ильич районидаги Ш. Рашидов номли, Гулистондаги «Баҳор», Боёвут районидаги Пушкин номли, «Ғалаба» давлат хўжаликлари, Гулистон районидаги «Қизил тонг» жамоа хўжалиги ва бошқа бир қатор меҳнат жамоалари бошланғич партия ташкилотлари ҳаёти, фаолиятида янгилик қирралари, ҳозирги даврининг ўзига хос жиҳатларини акс эттираётган ташаббус ва изланишлар, янгиликлар пайдо бўляпти.

Бошланғич ташкилотлар хаётига янгича мазмун бериш, уларни партиянинг ҳақиқий таянчига айлантириш ва сафларини кенгайтириб, мустаҳкамлаб бориш бугунги асосий вазифаларимиздандир. Бу борада партияга қабул масаласининг аҳамияти катта, албатта.

Вилоятдаги собиқ Компартия аъзоларининг деярли 60 фойиздан кўпроғи янги тузилган Халқ демократик партиясига аъзо бўлиб кирди. Булардан ташқари яна 2400 киши ўз тақдирини биринчи марта партия тақдири билан боғлади. Бу ҳам бўлса одамлар наздида Халқ демократик партиясининг обрў-эътибори ошиб бораётганидан.

Оқолтин районида партияга қабул соҳасида дастлабки тажрибалар тўпланди. Районда собиқ Компартия аъзоларининг асосий қисми янги партияга кирди. Қисқа вақт ичида улар сафига яна 560 нафар янги аъзолар келиб қўшилди. Ҳозир район партия ташкилоти атрофига 1700 киши бирлашган. Шунингдек Ильич, Боёвут районлари партия ташкилотлари ҳам ўз сафларини ғайратли, ташаббускор, партия ишига содиқ кишилар ҳисобига кенгайтириб боряптилар.

Партия аъзоси энг аввало амал, мавқе учун эмас, балки ХДП ғоялари учун курашмоғи лозим. Биз бундай кишиларни оқ-қорани таниган, ўз сиёсий қарашларига эга бўлган одамлар, айниқса ёшлар орасидан топяпмиз. Шаҳар ва район партия кенгашлари ана шуларни қатъий ҳисобга олиб бошланғич ташкилотлар билан ҳамкорликда ўз заҳира доираларини вужудга келтириш борасида иш олиб бормоқдалар. Партиямиз дастурига кайрихоҳ бўлган, унинг Низомига қўшиладиган кишиларни аниқлаб, уларни ўз заҳирамизга оляпмиз. Токи бундай кишилар келажакда ўз ихтиёри билан ХДПга аъзо бўлиш истагини билдирсин.

Вилоят партия ташкилотлари сафимизга ўтишни истамаган собиқ Компартия аъзолари билан ҳам алоҳида иш олиб боряптилар. Ҳозирча вилоятимизда 5 мингдан кўпроқ ана шундай кишилар бор. Биз вилоят партия кенгаши номидан уларнинг ҳар бирига мурожаат қилдик ва ўз сафимизга киришни сўрадик. Чунки уларнинг айрим фойдали тажрибаси ҳали бизга жуда ҳам қўл келади.

Вилоятимизда шаҳар ва район кенгашлари тўла молиявий эркинликка эга. Ҳар қайси кенгаш ўзини ўзи маблағ билан таъминлаши лозим. Бозор иқтисодига ўтилаётган ҳозирги даврда ўзининг молиявий муаммоларини ҳал эта олмаган ташкилотнинг келажагига умид боғлаш қийин. Нарх-наволар ошиб бораётган даврда фақат аъзолик бадаллари билан харажатларни қоплаб бўлмайди. Вилоят кенгаши бу соҳада ҳам ўз қўйи ташкилотларини мустақил иш юритишга ўргатмоқда. Токи ҳар бир ташкилот ўзи мустақил ҳаракат қилиб, ўзи учун жон куйдирадиган бўлсин.

Ҳозирданоқ шу йўналишда илк тажрибалар пайдо бўлди. Жумладан, ХДП Гулистон район кенгаши ходимлари район агросаноат уюшмаси билан шартнома тузиб қишлоқ хўжалик ходимларининг иқтисодий ўқувини ташкил этяпти. Кенгаш бу ишни бошидан охиригача ўз зиммасига олади. Агросаноат уюшмаси эса бу хизмат учун партия кенгашига 50 минг сўм пул тўлайди. Шунингдек, Ильич, Сирдарё, Оқолтин районлари, Янгиер шаҳри партия кенгашларида ҳам шу соҳада ҳомийлар топиш, улар билан иқтисодий тадбирларни амалга ошириш чоралари кўрилмоқда, шу йўл билан партия ташкилотларининг жамғармаларини вужудга келтириш, кўмакка муҳтож бўлган кекса партия аъзолари, аҳолининг ҳимояга муҳтож табақаларига ёрдам бериш йўллари изланмоқда.

Шаҳар ва район партия ташкилотлари каби вилоят партия кенгаши ҳам ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш йўлидан бормоқда. Ортиқча бино, транспорт воситаларини ижарага бераётирмиз. Вилоят кенгаши ишлар бошқармаси қошида «Хизматсервис» кичик корхонасини очдик. Бу корхона холодильниклар, кондиционерлар, ёзув машинкаларини таъмирлаш юзасидан ташкилотлар билан шартнома асосида иш олиб боради. Дастлабки хомчўтларга қараганда, бу кичик корхонадан йилига 500—600 минг сўм атрофида фойда олиш мумкин.

Одамлар ҳаётига яқин бўлиш, уларнинг дарди билан яшаш партия аъзолари учун айниқса муҳим фазилатлардандир. ХДП вилоят Кенгаши ижроия бюроси яқинда, «Наврўз» байрами арафасида «Меҳр-шафқат» кунини ўтказишга қарор қилди. Биз халқ севган байрам арафасида ёрдамга муҳтож оилаларни аниқлаб, уларга қўлимиздан келганича кўмаклашишга ҳаракат қиламиз. Бунда фақат иқтисодий ёрдам беришгина эмас, балки қариялларнинг томорқасини чопиб беришдан тортиб, уйини таъмирлашгача, йўлакларини тартибга солишдан тортиб, ночор, кўп болали оилаларга, етимхона ва қариялар уйларига моддий ёрдам кўрсатишгача бўлган тадбирларни қамраб олиш кўзда тутилмоқда. Ушбу тадбирларда вилоятдаги барча бошланғич партия ташкилотлари, ҳар бир партия аъзоси ва ҳайриҳоҳ бўлган жамоатчилар фаол қатнашадилар.

Партия ташкилотимиз юзага келиб, оёққа тура бошлаганига уч ойдан ошди. Олдинда эса катта синовлар, кураш довонлари турибди. Биз ўз-ўзимизни чиниктиришимиз, янгича ишлашга, фикрлашга, курашларга чоғланишимиз керак. Улкан режаларни амалга ошириш учун барча имкониятлар бор, албатта. Шундай экан, партиямиз Дастурини амалга ошириш, уни янги ғоялар билан бойитиш, халқимизнинг ишончини қозониб, унинг келажаги учун сидқидилдан, астойдил хизмат қилишга қодирмиз.

Собиржон УСМОНОВ,
Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгашининг биринчи котиби.

Анадўли ахборот бошқармасининг Москва бўлими хабар қилади

Туркиянинг жануби-шарқида қалин қор ёғиши туфайли айрим жойларда фалокат юз бериб, 87 киши ҳалок бўлди. Эрух уъездининг Тунекўйнар қишлоғи билан Сирнак уъездининг Гомеж қишлоғига кўп қор ёғиши оқибатида бошпанасиз қолган аҳолига аскарлар ёрдам бермоқдалар. Туркия ҳукумати Жануби-Шарқий Анатоли минтақасида фавқулодда ҳолат эълон қилди.

* * *

Туркия Бош вазири Сулаймон Демирэл Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев ва Аёз Муталибов билан учрашди. Сулаймон Демирэл Швейцариянинг Давос шаҳарчасида ўтган Ҳалқаро иқтисодий анжуманда қатнашган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ва Озарбайжон Президенти Аёз Муталибов билан зиёфатда бўлди. Ислом Каримов зиёфат чоғида Сулаймон Демирэлга садаф нақшли бир қутича совға қилди. «Ушбу қутича билан сизга қалбимизни бахшида этяпмиз», деди И. Каримов. Сулаймон Демирэл ҳам бундай учрашувни рамзий маънода юз йил бурун бўлиши керак эди, деб айтди. Демирэл, Каримов, Назарбоев ва Муталибов зиёфатдан сўнг биргаликда эсдалик учун суратга тушдилар. Сулаймон Демирэл мухбирларга: «Бу сурат тагига юз йил кечиккан тасвир деб ёзинглар», деди. (АА—ЎзА).

ОНАХОНЛАР ТЎЙИ

● МАРҲАМАТ районида Андижон вилоят ва район хотин-қизлар кенгашлари ташаббуси билан тўққиз онахон Меҳринисо Усмонова, Асалхон Мусаева, Мопарча Ҳожиматова, Ўғилхон Умрзоқова, Энахон Саттиева, Шаҳзода Солиева, Каромат Ғойназарова, Зайнаб Саримсоқова ва Ойпарча Хожиматованинг 70 ёшлик тўйи ўтказилди.

— Қишлоқда яшаб, бутун умрини меҳнат билан ўтказган бундай онахонларни ҳар қанча қадрласак арзийди, — деди Андижон вилоят хотин-қизлар кенгаши раиси Турсуной Содиқова. — Вилоятимизнинг бошқа районларида ҳам шундай маросимлар ўтказишни режалаштириб қўйдик. Тантана қизиқарли, мароқли ўтди. Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши раиси Қ. Холмирзаев, вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси Т. Каримова онахонларни чин қалбдан қутладилар.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

Зомин маҳаллий саноат ишлаб чиқариш корхонасида ўн икки хил кундалик эҳтиёж моллари тайёрланмоқда. Ишлаб чиқаришда қарийб саксон киши банд бўляпти. Улар бевосита корхонанинг ўзида ва касаначилик йўли билан меҳнат қилишяпти.

Корхона фаолиятини симдан тўр тўқишдан бошлаган эди. Кейинчалик мойжувоз, электр токи билан ишлайдиган тегирмон қурилди. Аҳолига зиғир, кунжут мойи тайёрлаб берила бошлади. Корхона ишини жонлантириб олгач, бўёқ ишлаб чиқариш цехи ҳам бунёд этилди. Ҳозир бу ерда уч хил бўёқ тайёрланмоқда. Давлат таъминоти бошқармаси билан тузилган шартномага кўра цех ҳар йили 400 тонна бўёқ етказиб бериши керак.

Жалоир қишлоғида кигиз, шолча ишлаб чиқарадиган цех қурилди. Қўшни қишлоқларда ҳам йигирмадан ортиқ хотин-қиз касаначилик йўли билан шундай маҳсулот тайёрламоқда. Корхона яқинда атлас тўқиш цехи ҳам очади. **(ЎзА мухбири).**

• *Тадбиркорлар бор бўлсин*

БОШГА ТУШГАННИ КЎЗ КЎРАР

Чиноз районидаги Т. Эрназаров номли хўжалик директори Бўлтак Иброҳимовнинг кирмаган кўчаси, тортмаган эшиги қолмади, ҳаммасининг сўзи битта эди: «Пулимиз йўқ, бошқа йўлини топиш керак!» Охири, 1989 йилда «бошқача йўли» топилди. Хўжалик Ёқутистоннинг «Алмаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан шартнома имзолаб, қўшма корхона тузилишига эришди.

— Истиқболни ўйлаб ўн гектар ердаги экинни иссиқлик билан таъминлашга қувватли етадиган қозонхона қурганмиз, — дейди иссиқхона директори Ш. Исканов. — Ўтган йили бир гектар майдон ишга туширилди ва ундан 54 тонна бодринг ҳосили олдик. Қурилиш учун икки миллион сўмлик атрофида маблағ сарфланди. Яна бир гектар иссиқхона қурилиши ниҳоясига етиши керак. Аслида иссиқхона олти гектарни ташкил қилиши режалаштирилган. Аммо қурилиш материаллари, айниқса, ойна, қувурлар йўқлиги ишнинг белига тепмоқда. Шу боис «Алмаз» бирлашмаси ҳам шартномадаги материалларни жўната олмаяпти.

Начора, бошга тушганни кўз кўрар, деганларидек шериклардан ёрдам ололмагач хўжалик маъмурияти яна «бошқача йўллар»ни излаб кўришга мажбур. Агар илгари 6 гектар иссиқхона қурилишига 6 миллион сўмлик атрофида маблағ кетадиган бўлса ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида иш 15 миллионсиз битиши мушкул. Айни пайтда ҳар бир тармоқ ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтаётган бир пайтда иссиқхона жамоаси ҳам вазиятдан чиқадиган чора-тадбирларни ишга солиши зарур эди. Улар мавжуд майдонлар самарадорлигини ошириш ҳисобига аввал ишчилар ойлигини кўпайтиришга бел боғладилар. Латвиядан помидорнинг «Домбелла» деган голланд навини келтириб, кўпайтиришга киришдилар. Тўғри, ҳозир унинг ҳар квадрат метридан 10—11 килограммдан ҳосил олинаётир. Пушталар биогумус ўғити билан озиқлантирилгач, юқоридаги кўрсаткич бир неча баравар ошиши мумкин. Голландияда худди шу навдан ҳар квадрат метр ҳисобига 35 килограммгача ҳосил кўтарилаётир.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, ҳосилдорлик оширилиб, 2 гектар ердаги иссиқхона ўз вақтида маҳсулот бериб турса, қурилишга кетган ҳаражатлар уч йилдаёқ қопланиши мумкин.

А. МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Тошкент вилояти.

• *Яхши одамлар даврасида*

МИНГ ТАШАККУР



Тиш оғриғи! Унинг азобини ким тортмабди дейсиз. Муҳарририятимизга келаётган мактубларнинг аксарияти дарддан халос этган шифокорларга ўз ташаккурини етказиб қўйишни сўрашади. Дил сўзлари битилган мактублар манзили — ўз умрини тиббиётнинг стоматология соҳасига бағишлаётган Миржамол Мирёқубов ҳузурига отландик.

Миржамол Мирёқубов Тошкент тиббиёт олийгоҳи стоматология факультети пойдеворига ғишт қўйганлардан. Унинг тавсияси билан А. Бусигин ва М. Бусигина Москвадан келиб кафедрани ташкил этишди. 35 йилдирки, у республикамизда стоматология соҳасининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Айрим кишилар ўзининг фойдасини ўйлаб, қай йўл билан бўлмасин бирон даражага эришиш, юқори лавозимларни эгаллаш ва обрў қозониш иштиёқида бўлсалар, ҳақиқий олимлар шогирд тайёрлаш, ўз ҳунар билимини ёшларга бериш, халқига ёрдам кўрсатиш, ўзининг самимий меҳнати билан эл назарига тушадилар. Суҳбатдошимиз Миржамол Мирёқубов ана шундай шифокорлардан. У ўз соҳасининг ҳозирги замон янгиликлари — сунъий тишларни ясаш, беморларга қўйиш технологиясини тўла-тўкис ўзлаштирган. У ортопед-стоматолог бўлибгина қолмай тиш техниги ҳамдир.

Беморлар стоматолог қабулига ҳайиқиб борадилар. Очиқ чеҳра, хушмуомала билан қабул қилинса уларнинг қўрқиш ҳислари узоқлашади ҳамда шифокорга нисбатан ишонч, ҳурмат пайдо бўлади.

Шифокор қабулида бўлган танишим шундай деган эди: овқат чайнашга қийналсам ҳам тиш докторига боришдан қўрқиб юрар эдим. Сунъий тиш қўйдириш учун шифокорга боришимни маслаҳат беришди. Қабулда ўтирарканман унинг хушмуомалалигидан қалбимда ҳурмат пайдо бўлди. Тиш қўйиш борасида кейинчалик бир неча бор у кишининг ҳузурига гапларини эшитиб, кулиб дам олиб келаман деган умид билан борадиган бўлдим.

Олим ортопедик стоматологиядан янги усулда дарс беради. Бу усул ҳақида Бутуниттифоқ стоматологлари илмий жамияти анжуманида маъруза қилди. Бу янгилик олимлар томонидан маъқулланиб, Москва ва бошқа шаҳарлардаги стоматология олийгоҳларида дарс бериш тавсия этилди.

М. Мирёқубов янги усул асосида ўзбек тилида илк бор китоб ёзди. Ортопедия-стоматология соҳасининг билимдони профессор В. Ю. Курляндский ҳам шу усулдаги китобни нашр эттирди. Олимнинг шифокорлар тайёрлашдаги яна бир мактовга сазовор иши талабалар қабул қиладиган беморларга бепул сунъий тиш қўйиб беришни жорий қилганлигидир. Протез қўйиш пуллик бўлгани учун талабаларга беморлар деярли келмас эди. Талабалар дарсда амалий иш қилмай, касал кўрмай асосан назарий дарс билан вақтини ўтказар эдилар. Бу албатта, стоматологиянинг қийин бўлими —ортопедия фанини ўзлаштиришда қийинчилик туғдирар эди. Ўн марта эшитгандан бир марта кўрган яхши-да. Талабаларнинг ўзлари кўриб, ўзлари бемор қабул қилишларини таъминлаш мақсадида республика ҳисобидан бепул протез ясаб бериш жорий қилинди. Бу янгилик ҳам стоматологлар илмий жамиятининг кенгашида маъқулланди. Профессор В. Панчоха билан илк бор ортопедик стоматологияга оид рангли атлас чиқарди. Булардан ташқари Катта тиббиёт қомуси, Ўзбекистон қомуси, ўзбекча-русча тиббиёт луғатини тайёрлашда ўз улушини қўшди.

М. Мирёқубов 14 йил мобайнида жумҳурият стоматологлари ва тиш техниклари илмий жамиятининг раиси бўлиб ишлади. 1966 йилдан 1978 йилгача ортопедик стоматология кафедрасининг мудири, ҳозир шу кафедрада доцент бўлиб ишламоқда. Ўтган йили унинг яна бир ортопедик стоматология китоби босмадан чиқди. Ўзбек тилида чоп этилган бу китоб стоматологлар тайёрлаш ва бу соҳада иш олиб бориш мутахассислар учун қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Домла табиатан боғ-роғларни, гулларни севади. Албатта, ҳамма ҳам боғроғларни яхши кўради. Лекин у шахсан ўзи экиб, ўстириб, парвариш қилиш сирларини яхши билади. Бу соҳада тажрибали боғбонлар билан баҳслаша олади.

Адабиёт ва санъатнинг ҳам чинакам фидойиси. Ёшлигидан дуторга бўлган муҳаббати, ўзига хос чалиш услубини эгаллагани қобилиятининг қай даражада эканлигидан дарак беради. Ғазаллари, турли рўзнома саҳифаларида, йиғинларда, радио ва ойнаи жаҳон орқали хонандалар ижросида айтилган қўшиқлари ҳам бисёр.

Миржамол ака билан бугунги кун талабалари билими, интилиши ва изланиши ҳақида суҳбатлашдик.

— Мен ҳамиша таълим-тарбияни биргаликда олиб бораман, — деди у.

Машғулот олиб бораётган ҳар бир муаллим ўн-беш дақиқа одоб-ахлоқ юзасидан суҳбат ёки саволжавоб ўтказса қандай яхши! Ахир қуш уясида кўрганини қилади дейдилар. Талабаларнинг кўп вақти олий билимгоҳларда домлалар ҳузурида бўлиши аён-ку!

Яна бир муаммони айтмасдан туролмайман. Талаба ёки ёш шифокор беморлар билан ғоят хушмуомала бўлишлари зарур. Бизнинг ҳар биримиз инсон соғлиғи учун фидойи эканлигимизни сира унутмаслигимиз керак.

Орадан бир ҳафта ўтди. Муҳарририятга келган мактублар орасида моҳир шифокор, ўз касбининг фидойиси Миржамол Мирёқубовга ташаккур етказиб қўйишимизни сўрашган хатга яна дуч келдик.

Биз шу заҳоти Тошкент Давлат тиббиёт олий билимгоҳи ортопедик стоматология кафедрасига қўнғироқ қилдик. Телефон дастасини домланинг ўзи кўтарди.

М. ҚУРБОНОВ.

• *Муштарий таклиф қилади*

НОМИ АБАДИЙЛАШТИРИЛСА

Азим Тошкентнинг шундай биқинидаги «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалигини билмайдиган одам шу ўртада кам топилади. Ҳеч бўлмаганда севимли «Пахтакор» футбол командасининг узоқ йиллар сарф-харажатини ўз зиммасига олган саховатли мард одамлари борлигини кўпчилик ҳалигача унутгани йўқ.

Қайта қуриш, ошкоралик, демократия каби янгиликларнинг халқимизга берган ва бераётган фойдаси шундаки, эл-улус орасидан етишиб чиққан, лекин турли хил туҳматга учраб, хотираси унут бўлаётган ёки ноҳақ қатағон қурбонларининг номлари покланиб улар абадийлаштирилмоқда. Бундай хайрли ишлар халқимизнинг дилидаги ва тилидаги гаплар бўляпти.

Лекин биз номини абадийлаштирмоқчи бўлган марҳум ҳамқишлоғимиз Йўлдош ота Омонов ҳар тугул қатағон қурбони эмас. У киши А. Матқобулов қишлоқ Кенгашига қарашли Арғин маҳалласида 1905 йилда туғилиб, ўсиб-унган, одий колхозчидан жамоа хўжалик раиси даражасига кўтарилган камтар бир инсон бўлган.

Йўлдош ота 70 йил умр кўрди. У ўзининг онгли ҳаётини халқ турмуш фаровонлигини яхшилашга бағишлаган ҳалол одам эди. Хўжалик, колхозчи манфаатини ҳар доим ўзиникидан устун қўяр, бирор ёрдамга муҳтож бўлган одамнинг ҳожатини чиқаришдан ҳузур қиларди. Маҳалла кўйдаги бирор тўй ёки маъракa Йўлдош акасиз ўтганини билмаймиз.

Урушнинг биринчи кунлариданоқ Қовунчи қишлоғида ташкил қилинган ўзбек дивизияси қўшинига кўнгилли бўлиб ёзилиб фронтга жўнаб кетди. У ўзбек дивизиясини тузган ва унга ўзи сиёсий раҳбарлик қилган элимизнинг мард ўғлонларидан бири эди. 1943 йилда 281-ўқчи полки командири сиёсий раҳбарининг ўринбосари бўлиб хизмат қилаётганида қаттиқ яраланиб, ногирон бўлиб ўз қишлоғига қайтганди. Й. Омонов урушда ўндан ортиқ жанговар орден ва медалларга сазовор бўлган.

Колхозчилар уни яна «Қизил Арғин» жамоа хўжалигига раис қилиб сайлашди. 1950 йили бу колхоз «Қизил Ўзбекистон» хўжалигига бирлаштирилгач, катта жамоага яна кўп йиллар раислик қилди.

Хуллас, Йўлдош ота Омонов (1967 йилгача) соғлиги ёмонлашиб пенсияга чиққунига қадар халқ учун тинмай ҳалол хизмат қилди. Эл-юрт ўртасида обрў-эътибор қозониб. Ҳозир Йўлдош отанинг фарзандлари, невара ва чеваралари халқ хўжалигининг турли соҳаларида ҳалол меҳнат қилишади.

Элимизнинг жафокаш фарзанди бўлган ва одамларга нуқул яхшилик қилган Йўлдош Омоновнинг ҳам номи хизматига яраша абадийлаштирилса, бирор мактабми, кутубхона ёки кўча унинг номи билан аталса, шу азиз инсоннинг хотираси олдидаги ҳамюртлик ва инсонийлик бурчимизни бажариб, унинг руҳини шод этган бўлардик.

Арғин маҳалласи фахрийлари номидан:

И. ЖУМАБОЕВ,
уруш ва меҳнат фахрийси.

Х. ПАРДАБЕКОВ,
уруш ва меҳнат фахрийси, маҳалла қўмитаси раиси.

ЖАҲОН БОҒЛАРИДАН УСТУН

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ АЪЗОСИ, МАШҲУР ЛИМОНЧИ ЗАЙНИДДИН ФАХРИДДИНОВ СИЙМОСИГА ЧИЗГИЛАР



Қуръони Каримда энг яхши фазилат соҳиблари — олижаноб кишилар хусусида шундай дейилган: «Ўзларининг ҳожатлари бўлса ҳам, бошқаларни ўзларидан устун кўрадилар. Кимки ҳудбинликдан сақланса, катта ютуққа эришганлардан бўлади. («Хашр» сураси, 9-оят). Дунёда шундай одамлар бўладики, улар ўз ҳузур-ҳаловатидан кўра, эл-юрт, одамлар манфаатини устун қўядилар, ўз ҳаётини тўла-тўкис шунга бахшида этадилар. Ҳаётда бунга мисоллар жуда кўп. Зайниддин ҳожи Фахриддинов ҳам шундайлар қаторига киради.

Биз ҳикоя қилаётган Зайниддин ота ҳозир муборак етмиш ёш айёмида турибдилар. У киши ҳақида сон-саноқсиз очерк, мақолалар, ҳатто китоблар ёзилган. Шу боисдан ҳам ортиқча мақтовга муҳтож эмаслар. Зеро, биз ҳам ўзимизни бундан тийдик-да, яхшиси, бутун республикамиз агар бир боғ-бўстон бўлса, унинг зийнати ва фахри бўлган бу ажойиб миришкоримизнинг лимон етиштириш соҳасида ютуқларга қандай эришгани тилсимотларига бир назар ташлашга жазм этдик.

МИРИШКОР ТИЛСИМОТЛАРИ

Биз Зайниддин хожи отадан:

— Ҳозир жумҳуриятимизда Зайниддин Фахриддинов деса, ҳар шоҳида олтиндек товланувчи маржон-маржон лимонлар тушунилади. Сиз ўзбек лимончилигининг отаси сифатида довруғ таратдингиз. Бошлаб берган ишингиз ҳозир кўп ерларда давом эттирилмоқда. Муваффақиятингизнинг сири нимада, — деб сўраганимизда у киши шундай жавоб бердилар:

— Ютуқларимизнинг ҳеч қандай сири йўқ. Бу иш ҳамманинг қўлидан келади. Одам бажарган ишни одам бажаради. Фақат ўз ишига меҳр қўйиш, имон-эътиқодли бўлиш, ҳалол меҳнат қилиш, шуҳрат кетидан қувмаслик керак. Сидқидилдан изланган, ишлаган кишининг ортидан шуҳратнинг ўзи эргашиб юраверади...

Зайниддин аканинг суяги меҳнатда қотган. Ўн икки ёшидан бошлаб отаси ёнида ишлаган. Ўша пайтдаги қийинчиликлар туфайли наинки олий маълумот, ўрта маълумот ҳам ололмади. Аммо илмда, яратувчиликда манаман деган олимларни ортда қолдириб кетди. Ўзбекистонда лимончилик мактабини яратганлиги учун жумҳурият Фанлар академиясининг фахрий аъзоси этиб сайланди.

Маълумотларга қараганда, мамлакатимизда эллигинчи йилларнинг бошларида аҳолини витаминли маҳсулот билан тўлароқ таъминлаш мақсадида имкони бор жойларда лимон етиштиришни йўлга қўйиш учун ҳукуматнинг махсус қарори қабул қилинди. Шу қарорга мувофиқ ҳамма ерда хусусан, Ўзбекистонда ҳам Грузиядан келтирилган лимонларни етиштириш учун иссиқхоналар ташкил этилди. Ўша пайтда собиқ Оржаникидзе районидаги Ленин номли колхозда ҳам лимонлар экила бошланди.

Боғбончиликда суяги қотган Зайниддин аканинг экилган лимонларга меҳри тушди. Олтинранг, хуштаъм мевалар уни батамом мафтун этганди. Бироқ лимончилик агротехникасини билмаган, янги экиннинг ўзига хос жиҳатларини тушунмаган жамоа аъзолари бирор самарага эриша олмадилар. Шу сабаблари ҳам яшнаб турган дарахтлар юқорининг буйруғи билан бузиб ташланди.

Ўша пайтда оддий боғбон бўлиб ишлаётган Зайниддин ака лимон қўчатларининг бир қисмини амаллаб сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

— Мен жумҳуриятимиз шароитида лимондан мўл ҳосил олиш мумкинлигини исботлайман, деди у лимончилик истиқболига шубҳа билан қараганларга.

Ҳа, у ўзининг ҳақлигини исботлади! Бироз ўтмай унинг боғида лимон етила бошлади. Аммо бу ҳали ишнинг бошланиши эди. Қишлоқ хўжалик мутахассислари ва тажрибали деҳқон, соҳибкорларига маълумки, ҳар бир ернинг тупроғи, иқлим шароити ўзгача бўлади. Шунинг учун ҳам бир жойда мўл ҳосил берган экин бошқа жойда кўнгилдагидек натижа бермаслиги мумкин. Бир хил навли экиндан икки жойда икки хил ҳосил олинаётганлигининг сабаби ҳам шунда.

Бундай шароитда ё тупроқ ва иқлим шароитини ўзгартириш ёки ўсимликни шароитга мослаштириш лозим бўлади. Зайниддин ака иккала йўлни ҳам бирдай олиб боришга ҳаракат қилди. Аввало иссиқхоналарда лимон кўчатларининг бемалол ўсиши учун шароит яратилди. Бироқ ҳосил ҳам, унинг сифати ҳам ҳадеганда кўнгилдагидек бўлавермади.

Шундан сўнг уста соҳибкор иссиқхонада ўсаётган лимонлар навини аниқлай. Маълум бўлишича, бу ерда етти турдаги нав ўстирилаётган экан. «Мейер» нави бошқаларга қараганда барқ уриб ўсарди. Лекин ҳосили ҳам, унинг сифати ҳам унча кўнгилдагидек эмасди. Ана шунда Зайниддин аканинг хаёлига навларни чатиштирса бўлмасмикан, деган фикр келди.

Таваккал қилиб иш бошлади. Уни бир неча навлар билан чатиштириб кўрди. Натижаларни кузатиб борди. Бир неча муддат ўтгач, «Мейер» нави билан янги Грузия нави чатиштирилган туп кутилмаганда ўз ижобий самарасини кўрсатди. Янги нав шохларида маржондек тузилган олтиндек сап-сариқ лимонлар боғбонларни ҳам, мутахассис олимларни ҳам ҳайратга солди. Олимлар ҳосил сифатини текшириб, Зайниддин акани катта кашфиёт билан қутлашди.

Чунки цитрус ўсимликлари ватани бўлган Грузия лимонлари таркибида уч фоизгача лимон кислотаси бўлгани ҳолда З. Фахриддинов яратган Ф—1 «Тошкент» нави таркибида тўрт фоизмо уқтириб келаман. Ер тўймагунча, эл тўймайди, деб бекорга айтишмаган-ку, ахир.

Шунинг учун биз ерни ўғитлашга, хусусан, маҳаллий ўғит — гўнг солишга катта эътибор берамиз. Бир йилда бир гектар ерга икки юз тоннадан зиёд гўнг солишни одат қилиб олганмиз.

Дарҳақиқат, маржон-маржон олтинранг ҳосилдан эгилиб, шохларини зўрға кўтариб турган лимонларни кўрганимизда миришкор боғбоннинг гапларига тўла ишонч ҳосил қилдик. Гўнгланган тупроқ хамирдек кўпчиб турибди. Уни уч-тўрт сантиметр очсангиз, чувалчанглар ғужғон ўйнайди. Қатор оралари бирорта бегона ўт йўқ. Шохларда бир йўла баҳор, ёз, куз тароватини кўрасиз. Бир шохда сап-сариқ лимонлар етилиб турган бўлса, бошқасида ям-яшил ғўралар, яна бирида чамандек очилган гулғунчалар.

Лимончилик жамоаси аъзолари пешма-пеш етилган ҳосилни териб истеъмолчиларга жўнатишяпти. Ҳозир эл дастурхонига кунига ўн тоннадан зиёд шифобахш неъмат тортиқ этилаётир.

Илғарилари лимонарий Ленин номли жамоа хўжалигига қарашли эди. Кўпгина тармоқлар зарари асосан лимонарий келтираётган фойда ҳисобига қопланарди. Шунинг учун ҳам жамоа хўжалигидаги айрим соҳалар қанча зарар кўряпти-ю лимончилар меҳнати самараси қандай бўляпти, аниқ билиб бўлмасди. Бу қайчилаш туфайли уззу-кун тер тўкканлар ҳам, далага номига чиқиб, қўл учида ишлаганлар ҳам ўртадаги қозондан баробар баҳраманд бўлишарди.

Бу ҳол узоқ давом этиши мумкин эмаслиги, агар давом этса, одамларнинг меҳнатга бўлган иштиёқини сўндириб қўйиши мумкинлигини ҳис қилган Зайниддин Фахриддинов лимонарийни алоҳида хўжаликка айлантиришга кўп ҳаракат қилди. Ниҳоят, 1988 йили бу одил режа рўёбга чиқди.

Миришкорлар дастлабки йилиёқ 6,5 миллион сўм даромад олишди. Жамоа аъзоларининг ойлик маоши ўртача 350 сўмга тўғри келди. Ўтган йили лимонарий аъзоларининг режадаги 1200 тонна ўрнига 1500 тонна шифобахш мева етиштириб, 15,2 миллион сўм даромад кўрдилар. Ҳар бир ишловчининг бир ойда олган ўртача маоши 750 сўмга айланди.

Илгари лимонларнинг бир килоси 3,5-4 сўмдан сотиларди. Шунда ҳам хўжалик анчагина фойда кўрган. Аммо яқиндан бошлаб хўжаликка қарашли дўконларда унинг нархи ўттиз сўмга кўтарилиб кетди...

— Гапларингизга тушунсоҳасида бирмунча ютуқларни қўлга киритганлар. Аммо изланаётган кишига ёрдам бериш, шароит яратиш ўрнига айримлар хайрли иш ривожига тўсиқ солишга уринишган. Ахир ўйлаб кўринг! Қанчадан-қанча олимлар, мутахассислар бажаролмаган ишни оддий колхозчи қилса-я. Унинг ютуқларини тан олиш ўзларининг нобопликларини тан олиш билан баробар эди улар учун.

Аммо танланган йўлининг ҳақлигига ишонган, ҳақ йўлдан қайтмайдиган Зайниддин ака ҳеч нарсага парво қилмай изланавердилар. Гоҳида иш учун зарур нарсаларни раҳбарлар бермаса, оила жамғармасидан сарфлашларига ҳам тўғри келган. 1971 йилда яратилган Ф—1 «Тошкент» нави ана шу машаққатли меҳнат самараси бўлган.

1971 йили мен Ўзбекистон қишлоқ хўжалик вазири бўлиб ишлаётган эдим. Бир куни Шароф Рашидов қўнғироқ қилиб қолдилар,—деб ҳикоясини давом эттирди Э. Шайхов.—Баъзи масалалар хусусида бироз суҳбатлашгач, гап лимончиликка бориб тақалди. Мен Зайниддин ака, унинг ишлари ҳақида гап очдим.

— Эшитдим, — деди Ш. Рашидов. — Менимча, у кишига ёрдам бериш керак. Ўзингиз айтганингиздек, Зайниддин хайрли ишга қўл урган кўринади. Бир бориб ишларини кўрсак, ёмон бўлмасди.

Шу куниёқ Зайниддин ака ишлаётган жамоа хўжалигига бордик. Очиғи, мен уларни илгаридан гапга чечанликларини билардим. Аммо Республика раҳбари билан гаплашганда бу киши қомусий билим эгаси эканликларига тан бердим. Зайниддин ака қилган ишлари, жумҳуриятда лимончиликнинг истиқболини ишонарли далил, ис, ботлар билан тушунтириб, агар шу ерда лимонзорларни йигирма гектарга кўпайтирса шифобахш неъматдан аҳоли катта наф кўришини айтдилар.

Ишлар юришиб кетди. Биз ҳар бир янги ишнинг бошида унинг фидойиси туриши лозимлигини билардик. Шу туфайли 1972 йили Зайниддин Фахриддинов лимонарийга бошлиқ бўлиб тайинландилар. Ҳозир жами лимонзорлар эллик гектарга етди. Бу ерлардан тоннатонна ҳосил олиш билан бирга кўчат етиштириш йўлга қўйилди. Ҳозир ҳамдўстлик республикаларининг турли шаҳар-қишлоқларидаги 246 та хўжаликда Зайниддин ака яратган навлар экилиб, эл дастурхонини безамоқда.

ШВЕЙЦАРИЯДА ЎЗБЕК ЛИМОНИ

Республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритди. Бу ҳаммамиз учун қувончли ҳол, албатта. Аммо ҳозиргача хом ашё макони бўлиб келган жумҳуриятимиз учун иқтисодий қийинчиликлар кўпроқ туғилди. Марказга, Россияга юборилаётган бойликларнинг йўли бекилди. Оғзиларидаги ёғлиқ луқмадан айрилган «қардошларимиз» биз учун зарур бўлган нарсаларнинг нархини ошириб қўймоқдалар. Одамлар орасига низо солишга уринишяпти.

Бундай шароитда халқ фаровонлигини таъминлашнинг ишончли йўлларидан бири ривожланган чет мамлакатлар билан бевосита алоқаларни йўлга қўйишдир. Узоқни кўра биладиган Зайниддин Фахриддинов ҳам бу ишни ҳаялламай бошлаб юборди. Ўзаро музокаралардан сўнг Швейцарияга бир ярим тонна лимон жўнатилди. Хорижлик шериклар унинг сифатини юқори баҳолаб, ўзаро алоқаларни кенгроқ йўлга қўйишни таклиф қилишди.

«Лимонарий» жамоаси яқинда Голландия ва Швеция билан шифобахш неъмат етказиб бериш ҳақида шартнома тузди. Америка Қўшма Штатлари ва Туркия билан ҳам ҳамкорлик қилиш мўлжалланяпти.

— Хорижлик дўстларимиз воситачилар орқали бизга техника ва бошқа нарсаларни беришга тайёр, — дейди «Лимонарий» хўжалиги раҳбари Ёвмиддин Фахриддинов. — Аммо минг марта эшитгандан кўра бир марта кўрган афзал, деганларидек зарур нарсаларни ўзимиз жойида кўриб олганимиз маъқул.

Чунки бизга ўз шароитимизга мос келадиган техника, технологиялар зарур. Масалан, «Лаззат» ичимлигини идишларга автомат тарзда қуядиган линияни Голландиядан олиш ниятимиз бор. Бир марта ишлатиладиган пластмасса идишлар чиқарадиган кичик корхона очамиз. Буларни ўзимиз кўриб, шароитимизга, имкониятимизга мослигига ишонч ҳосил қилиб олсак, фойдадан ҳоли бўлмасди.

Маълумки, Швеция, Швейцария, Голландия мамлакатлари иссиқхоналар қуриш бўйича юқори ўринларда туради. Зайниддин Фахриддинов бошлиқ лимончилар бу мамлакатларга юқори ҳосилли ва таркибида лимон кислотаси кўп бўлган мева ва унинг кўчатларини етказиб беришни, ўз навбатида улардан қулай иссиқхоналар, самарали техника воситалари олишни кўзлашяпти. Ўйлаймизки, жумҳуриятимиздаги мутасадди ташкилотлар бу фойдали ишга албатта кўмак берадилар.

Очиғи, «Лимончилик» жамоа хўжалигига қадам ранжида қилган кунимиздаги ҳис-ҳаяжон ҳали ҳам бизни тарк этгани йўқ. Бу журналистик касбимиздаги қизиқ бир ҳолат, деса бўлади. Нега шундай бўлиши ҳақида кўп ўйладик. Фикримиз бир жойдан чиқди: бу ерга келиб-кетган не-не машҳур давлат арбоблари тортиб ёзувчи-ю фазогир, бутун жаҳондаги кўплаб мамлакатларнинг таниқли намояндалари ёзиб қолдирган сўзлар, оламдан ўтиб кетганларнинг эса руҳи поклари, қадам изларидан қолган тупроқ зарралари олдидаги ҳис-туйғулар ҳаяжони экан!

Тасаввур қилинг: фазони айланиб чиққан космонавт бу ерда ҳар туп шода-шода лимонларни кўтара олмай шохлари эгилиб турган олтинранг боғни кўриб, Марсда ҳам уни ўстиришни орзу қилса ёки жаҳонгашта шоир жаҳоннинг боғлари йиғилса бугун, Зайниддин ота боғидан бўлолмас устун, деб турса, ҳаяжонланмай бўладими бунга!

Бу шунчаки тил учида айтилган сўзлар эмас, балки дилдан, тан бериб айтилган ҳақиқат. Умид билан суқилган тайёқ, бир кун берар мева-ю ҳосил, деб қуйлаган эди донишманд шоир. Умид билан кичик бир лимонзор иссиқхонаси барпо этилганида кейинчалик у бутун бир катта лимончилик жамоа хўжалигига айланиб кетади, деб кимнинг ҳаёлига келган эди! Энди унинг довруғи жумҳуриятимиз сарҳадларидан аллақачон ошиб, ҳатто чет элларга таралаётгани фақат Зайниддин Фахриддиновнинг эмас, балки бутун ўзбек халқининг ҳам фахри ва ғуруридир.

Ҳамид ИКРОМОВ,
Каримжон РИХСИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

УМР ЗАРВАРАҒИДАН САТРЛАР

● Зайниддин Фахриддинов 1922 йилда Тошкент вилоятининг Оржаникидзе районидаги Яланғоч қишлоғида туғилди.

● Отаси Фахриддин Эгамбердиев камбағал боғбон бўлганлиги туфайли Зайниддин 12 ёшиданоқ отаси ёнида боғбонлик сир-асрорларини ўргана бошлади.

● 1960 йилдан лимончилик билан шуғулланди.

● 1966 йилда Ф—1 «Тошкент» навли серҳосил лимон навини яратганлиги учун «Меҳнатда ўрнак кўрсатгани учун» медали билан мукофотланди.

● 1967 йилда Ўзбекистон да хизмат кўрсатган агроном унвонига сазовор бўлди.

● 1971 йили Ф—2 «Юбилей» лимон навини яратганлиги учун Ленин ордени билан тақдирланди.

● 1973 йилда лимончиликда эришган ютуқлари эвазига СССР Халқ Хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг олтин медалини олишга мушарраф бўлди.

● 1978 йилда Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

● 1979 йилда Ўзбекистон иқлимига мос бўлган лимон навларини етиштирганлиги ҳамда уни ўстириш агротехникасини ишлаб чиққанлиги учун Ўзбекистон Фанлар академиясининг фахрий аъзоси этиб сайланди.

● Етиштирган шифобахш лимонлари учун «СССР соғлиқни сақлаш аълочиси», унвонига сазовор бўлди.

● Зайниддин Фахриддинов 1945 йилда уйланган. Умр йўлдоши Шарифа Фахриддинова билан ўн нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказмоқда.

● Лимонзорнинг ўз гаштн бор.

● Ҳожи ота бошлаган иш ишончли қўлларда. Муҳаммади Фахриддинов фарзандлари билан лимон ниҳолларини ўтказяпти.

● Зайниддин ота машҳур халқ устаси. Маҳмуд Усмонов билан мулоқотда.

Н. Муҳаммаджонов ва В. Панов олган суратлар.

ДУНЁ ТАНИГАН ИНСОН

Ўзбек лимончилигининг отаси Зайниддин Фахриддиновни жаҳон танийди. У яратган файзли лимонзорларни дунёнинг турли бурчакларидан келганлар ҳам, жумҳуриятмизнинг таниқли намояндалари ҳам кўп кўришган. У кишининг эзгу ишларидан ҳайратланиб, бир неча қалин дафтарларга дил сўзларини ёзиб қолдиришган.

Бу шифобахш ажойиб тарихий боғни яратувчи ақлли расо миришкор деҳқондир.

Шароф РАШИДОВ.

●

Бу жаннатмакон покиза боғга кирсанг, баҳри дилинг равшан бўлур.

Ислом КАРИМОВ.

●

Мен бу хўжаликда Зайниддин Фахриддинов сиймосида ҳақиқий соҳибкор инсонни кўрдим.

Ролан ЖУРДА,
«Юманите» рўзномаси мухбири, Париж.

●

Ҳурматли Зайниддин Фахриддинов! Сизнинг лимондан қишда юқори ҳосил олиш борасидаги ютуқларингиз ҳақида тасаввурга эга бўлиш менга роятда завқ бағишлади.

И. ЖЕБН,
швециялик жамоат арбоби.

●

Зайниддин ака! Сизнинг қалбингиз, юрагингиз, ақлидрокингиз ерда мана шундай мўъжиза яратди. Сизнинг лимонларингиз бу — ҳаёт неъмати. Улар болаларга, беморларга, узоқ муддат космосда бўлган космонавтларга жуда керак.

Марсда келажакда олма гуллаши мумкин. Ана ўшанда ишончим комилки, Сизнинг лимонларингиз ҳам у ерда ҳосил беражак. Катта раҳматим, замин қадар эҳтиромимни қабул этгайсиз.

В. ГРЕЧКО
космоноват-учувчи

ДУНЁ ТАНИГАН ИНСОН

Лимонарийда олиб борилган тадқиқотларнинг буюк натижалари менда катта таассурот қолдирди. Мен цитрус ўсимликлари ватаниданман. Шу туфайли ҳам шундай об-ҳаво шароитида цитрус ўсимликлари ўстириш ва ундан юқори ҳосил олишда мана бундай катта ютуқларга эришиш мумкинлигини тасаввур қилолмасдим. Лимонларингизнинг сифати аъло даражада. Ҳаммангизни, айниқса буюк тадқиқотчи соҳибкор, ажойиб инсон Зайниддин Фахриддиновни чин дилдан табриклайман.

Фидель КАСТРО.

●

Бу ҳамиша мевазор, ажойиб боғнинг сеҳргари яратган ҳосилни Зайниддинбойнинг ақли, идроки, истеъдоди, санъати, деб қарайман ва бу маҳоратли халқим фарзандига ташаккур билдираман.

ЗУЛФИЯ.

●

Бу ерга қанча одамлар келмасин, менимча, ҳар ким Зайниддин Фахриддиновга чин юракдан катта раҳмат, олқиш айтиб кетади. Боғбончилик кўп ҳунарнинг энг сарасидир. Бақувват бўлингиз, Зайниддин ота!

Чингиз АЙТМАТОВ.

●

Ўзбекистоннинг тупроғи, ҳавоси, қуёшнинг бутун ҳусни-фазилатини яна ҳам очиб юборганлигингиз учун катта раҳмат Сизга, Зайниддин ака.

Санда ЗУННУНОВА.

●

Ҳар ким машҳур бўлса, Зайниддин Фахриддинов каби машҳур бўлсин. Чунки у ўзининг мўъжизали иши билан дунёга машҳур бўлган. Агар мўъжиза бўлмаса ким ўйлайди, Тошкентда ёзи иссиқ ва қиши совуқ бир ерда лимон унади, деб. Яна қанақа лимон!

Шунинг учун бизки ҳайрону — мот бўлганмиз, бу кишининг, бу замон диловарининг ишига таҳсин ва офарин деб бундан ҳам каттароқ ютуқ орзу этамиз.

Жалол ИКРОМИН

• *Сиз нима дейсиз?*

БОЙЛИГИМИЗ СОВРИЛМАСИН

Истиқлол шабадасидан, Ўзбекистон Республикасининг собиқадамларидан кўнгиллар сув ичаётгани табиий. Минг бор шукроналар айтамиз. Энди ер усти ва ер ости бойликлари ўзимизники. Аммо, мени бир нарса ўйлантиради. Ана шу битмас-туганмас бойликларимиздан тўғри, билиб, қолаверса расамади билан фойдаланяпмизми? Менимча, иқтисодиётимизга зарари тегадиган баъзи нуқсонларга йўл қўйиляпти. Назаримда арзон ёқилғи деб ардоқланиб келинган табиий газимиз кўкка соврилаётгандек, исроф бўлаётгандек туюлади.

Республикамиз пойтахтида қолаверса, вилоят марказларида «Мардлик мангулик» ёки хотира маъносида ёқиб қўйилган машъалалар камми? Қачонлардир бунинг мантиқий маъноси ўз ўрнига тушгандир. Лекин биз бундан буён шарқона қадриятларимизни ва маънавиятимизни эъзозлашимиз керак. Шу жиҳатдан қараганда Тошкентдаги Биродарлик қабристони, Мустақиллик майдони, вокзал ва жасорат монументи ёнида тун-кун машъаланинг порлаб ётиши шартми? Ўйлайманки, уларнинг айримларини умуман ўчириб қўйиш, баъзиларини эса байрам ва айёмлар куни ёқиб туриш ўринли бўлса керак. Бу ҳам узоқ йиллар давом этиб келаётган хўжасизликнинг асорати бўлса керак.

Э. УМАРОВ,
олим.



Дийдор кўришиш инсоний фазилат

Бир марта бўлса ҳам дийдор кўришмоқ инсон қалбига бир олам қувонч ва таскинлик бахш этади. Собиқ Совет Иттифоқининг турли масканларида ҳарбий хизмат бурчини ўтаётган ўзбек йигитларининг бугунги ҳаёти қандай кечмоқда? Бу савол ҳаммани қизиқтириши турган гап. Юмушларга тўлиб-тошган ҳозирги бир пайтда турли қисмлардаги ҳарбий йигитларимизнинг аҳволидан хабар олиш, уларга юпанч ва далда бериш шу куннинг анъанасига айланиб қолди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг вакиллари, маданият ва санъат арбоблари, ахборот, радио ва телевидение ходимлари бу хайрли ишда қатнашмоқдалар. Волгабўйи — Урал ҳарбий округида бўлган учрашувлар бунга мисол бўлади.

Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг суратчиси В. Миленький олган ушбу лавҳаларда шу куннинг қайноқ нафаси акс этган. Унда СССР халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов (чапда), оддий солдатлар Нуриддин Кенжаев, пропоршчик Александр Николаев, оддий аскарлар Валерий Матвеев, Ориф Яхёев ва Эшпўлат Қўлдошевлар (ўнгда), пастдаги суратларда алоқачи О. Тимошчук ва доирачи Бахтиёр Жўрабоев.

ОДОБНОМА

ОДАМНИНГ ОДАМДА ҲАҚИ БОР

Амударё қирғоғидаги Қақроли тўқайида пахса девордан қурилган боғ-боғчали, ҳовузли бир уй бўларди. Уйнинг соҳиби Отажон Қўшман ўғлини Хоразм ўрмончилигининг отаси десак, муболаға бўлмас. Умрини соҳил ўрмончилигига, табиат боғларини яратишга бағишлаган бу одам меҳмондўст, саҳоватпеша бўлиб, дастурхони ҳамиша очиқ эди.

Юз ёшга яқин умр кўрган отахон бетобланиб қолганлигини эшитиб, ундан ҳол сўрагани бордик. Отахоннинг дарди оғир, ёстиқдан бошини кўтара олмас, кўзини очишга мажоли йўқ эди. Хайрлашув олдидан айтган сўзлари хотиримизда қолди:

— Одамнинг одамда ҳақи бўлади. Сизлардан кўп яхшилик кўрганман. Қарзимни уза олмаган бўлсам, маъзур тутинглар.

Бу сўзлар мағзидан табаррук отахон бизни огоҳ қилгани эсимда. Энг аввало одамзот наслига мансубликдан келиб чиқадиган қарзни унутмаслик лозим. Чунки инсон табиатда энг азиз, мукаррам ва мукаммал ҳилқат, ақл ва забон соҳиби. Одам болалари бир-бирини қўллашга, эзгу ишлар қилишга, бало ва офатлардан ўзларини биргаликда омон сақлашга даъват этилганлар.

Одам одамдан қарзини одамийлик сифатлари, хизмату амаллари, хайрли ишлари билан узиши мумкин. Чунки у пул, мол-дунё билан ўлчанмайдиган, қонунларда белгиланмаган, агар адо этилмаса, гарданда кетадиган қарз.

Бурчдорлик фақат бу билангина чекланмайди. Одамни одамга боғлаб турган бошқа ришталар ҳам бор. Булар қариндошлик, қўшничилик, миллат ва дин бирлиги, ватандошлик, ҳамкасблик ва ҳоказо. Хулласи калом, зиммага қарз юклайдиган инсоний муносабатларнинг ҳаммасини санаб чиқиш қийин.

Кишиларни ўзаро бурчдор қилувчи бошқа омилларни қўйиб, бу ерда одамнинг одам сифатида бир-бири олдидаги бурчи, унга муносабат хусусида фикр юритмоқчимиз.

...Ўтган йилнинг баҳорида Хива хони Муҳаммад Раҳим Соний (Феруз)нинг набираси Абдурасул тўра Украинанинг Кривой Рог шаҳридан ўз юрти Хоразмга меҳмон бўлиб келди. Унинг отаси Мадёр тўра Ферузнинг олти ўғлидан бири бўлиб, унга салтанат тахти насиб қилмаган, чунки аввал Исфандиёр, кейин сўнгги хон Саид Абдуллоҳ тож кийишга мушарраф бўлганлар.

— Хоннинг ўғли бўлганлиги учун отам, унинг биродари Саид Абдуллоҳ, хонлик сулоласига мансуб зодагонларнинг оилалари 1920 йил ёзида Хоразм мамлакати ҳудудидан умрбод бадарға қилинганлар. Ўша пайтда ўн саккиз ёшимда эдим. Умримнинг етмиш йилдан кўпроғи сургунда ўтди. Ватан тупроғини тавоф қилиш эзгу армоним эди. Тўқсон ёшимда тақдир мени бу бахтга сазовор этди. Бу ерга бизни лутфан таклиф қилган хиваликлар ҳамюртларимга, оқибатли одамларга ташаккурим чексиз, — деди Абдурасул тўра тўлқинланиб.

Вилоят меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси ранси Ленинза Асқарова миллий анъанага амал қилиб, сарупо билан меҳмон ҳузурига йўл олганида, биз унга ҳамроҳ эдик. Меҳри дарё аёл ўз мақсадини қуйидагича ифодалади:

— Мустақиллиқ, янги замон шарофати туфайли ўз диёрига ташриф буюрган бу отахоннинг кўнглини кўтариш савоб иш, айни вақтда одамийлик бурчимиз, деб биламан.

Ҳаққоний фикр. Хориждан келган меҳмонга, таниманган мусофирга ҳам илтифот кўрсатиш урф-одатимизга сингган-ку. Тақдир тақозоси билан ҳаёти таъқибларда кечган ватандошимиздан наҳотки меҳримизни дариғ тутсак?! Қачонгача одамни одамга ёв қилган синфий мезонга қараб иш кўрамиз?

Турмуш тарзимизни бу тарақа қудуратлардан қанча тез тозаласак, шунча яхши. Шунда умумбашарий қадриятлар, одамийлик дастурлари ўз ўрнида қарор топади.

Эътироф қилиш керакки, бир-бировдан ётсираш, эл ғамига лоқайд қараш, қулфатда қолган кишига холис ёрдамини раво кўрмаслик ҳоллари учраб туради. Бундай феъл-атвор қалби тор, диёнатсиз кишига хос бўлиб, башар наслини бир-биридан узоқлаштиради, худбинлик, такаббурлик сари етаклайди.

Тасодифни қарангки, бозор чеккасида безорининг ҳангомасига гувоҳ бўлдик. Киссавурнинг қўлини тутгани учун калтакланаётган йигит ҳимояга муҳтож эди. Узларини четга тортишиб, бефарқ ўтаётган одамларга ёши ошган бир киши хитоб қилди: «Ҳой, одамлар, бечора йигитга ёрдам беринглар! Тўхта, ноинсоф!». У зўравонни тартибга чақирди. Безорининг таноби тортилмагунча тинчимаган бу киши Урганч шаҳрида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Ибодулла Сафоев эди.

— Таёқ еган йигит кимингиз бўлади?

Шаҳар ички ишлар бўлими ходимининг бу саволига Ибодулла ака ажаблангандек бўлди:

— Жабрланувчига ёрдам кўрсатиш учун қариндоши ёки яқин кишиси бўлиш шартмикин? Йигит агар майиб бўлса, бунга бефарқ қараганлар жиноятга шерик бўлишади-ку.

Бу фикрнинг ҳаққонийлиги исботга муҳтож эмас. Ўғри ва киссавур, чайқовчи ва фирибгарнинг тегирмонини айлантириб турган нарса кишиларнинг бетараф-лиги, анқовлиги эмасми?

Бундан икки-уч йил илгари Урганч шаҳар бозори олдида куппа-кундуз куни юз берган ҳодиса ҳали одамлар эсидан чиққани йўқ. Тартиббузарлар ҳамласига учраган бегуноҳ йигит оғир жароҳатланиб, оламдан кўз юмди. Жиноятни кўриб бефарқ қараганлар эса бир инсоннинг умр чироғи бевақт сўнишига зомин бўлдилар. Ибодулла акадек халоскор топилса қотилликнинг олди олиниши муқаррар эди.

Шуниси ажабланарликки, бегараз яхшиликка, бебадал саховатга нодир топилдиқ, ноёб ҳодиса каби қараш баъзиларда одат тусига кирган, инсоний бурчга бепарво муносабат эса табиий ҳолга айланган. Бировлар учун жонбозлик қилган кишига ҳайратланиб боқиш, инсоний бурчнинг адо этилишини қаҳрамонлик сифатида талқин қилиш шундан эмасмикин?

Сўзимизнинг исботи учун иккита мисол келтирмоқчиямиз.

Рўзномалардан бирида соф виждонли зиёлининг таъриф-тавсифига бағишланган «Олижаноблик» сарлавҳали мақола ўқидим. Унинг мақтовга лойиқ иши йўқолган қимматбаҳо молни топиб олибди ва эгасига қайтарибди. Бизнингча бу иш учун мадҳия эмас, раҳматнинг ўзи бас. Молни эгасига қайтарилмаса ва ўзлаштирса, у нопок одам бўларди.

Ўтган йилнинг ёзида юз берган воқеа анча шовшувга сабаб бўлди. Шовот каналида чўмилаётган болалардан бири сувга чўккан маҳалда йўлда кетаётган йигит дарҳол ўзини сувга отди, болани қутқазиб қолди. Қирғоқда одамлар тўпланган, боланинг онаси ҳам соч ёзиб етиб келган эди. Ҳуши бошидан учган аёл ўғлининг халоскорига раҳматлар айтиб, ундан қимлигини сўради.

— Бунинг аҳамияти йўқ, опа, — деди йигит. — Фалокатни кўриб, бефарқ ўтиш виждонсизлик бўларди.

Йигит ўзини танитмай аёл билан хайрлашди. Унга раҳмат эшитгани кифоя эди. Дарҳақиқат, одамгарчилик учун ҳақ ундириш таомил эмаслигини ёдда тутган маъқул.

Яхшиликнинг катта-кичиги бўлмайди. Меҳр, шафқатли одамнинг савоб ишини кўрсанг, дилга сурур ва фараҳлик етади.

Урганч шаҳар ижтимоий-таъминот бўлими биноси олдида турган кўзи ожиз кексадан йўлда кетаётган қиз ҳол сўрагани ва унга ёрдамга келганини кўрдим. Қиз қарияни етаклаб юқори қаватга олиб чиқди. Бир ожизнинг кўнглини хушнуд қилиб, дуосини олди. Шу воқеани кўриб, Расулиллоҳнинг ҳадисини эсладим: «жаннатга йўл топмоқ муродинг бўлса, кўзи ожиз кишини етаклаб қирқ қадам бос, албатта жаннатга етасан».

Заифларга мададкор, эл дардига малҳам бўлиш, қоқилганни суяш — яхшилар фазилати. Иллатнинг ёмони эса тошюраклик ва дилозорликдир.

Минг таассуфки, бировнинг дардига дармон бағишлаш ўрнига унинг ярасига туз сепадиган бағритош кишилар ҳам йўқ эмас. Хоразм давлат хўжаликлари сув қурилиш трестига қарашли автомобиль корхонасида юз берган ҳунук воқеа сўзимизнинг далили бўла олади.

Воқеанинг мухтасар тафсилоти қуйидагича: корхона устахонаси ишчиси Улуғбек Машарипов дастгоҳда ишлаб турган пайтида кўзига металл қириндиси тушиб, узоқ вақт касалхонада ётди, икки марта операцияни бошидан кечирди. Жарроҳ тиғининг яраси битса ҳам, дилига етган жароҳат ҳали-бери битадиган эмас. Корхона раҳбарлари унинг ҳолидан хабар олмай қўйдилар. Ҳатто улар кўзи ногирон бўлиб қолган йигитга нафақа тайинлаш вақтида зарур ҳужжатни беришдан бош тортдилар. Наҳотки одам оғлигида керак бўлиб, хаста вақтида унинг қадри ерга урилса?!

— Беморни даволаш докторнинг вазифаси — уни кўришга бориш ҳар кимнинг ихтиёрига ҳавола, — деди раҳбарлардан бири.

Тўғри бемордан ҳол сўраш мажбурий эмас. Тўйга ёки таъзияга бормаган одамни жазолайдиган қонун ҳам йўқ. Бунга ўхшаш савоб ишлар виждонга ҳавола қилинади. Лекин, одамийлик шартларини уддаламаган киши эл назаридан қолиши, иззат-обрўдан маҳрум бўлишини унутмаслик лозим.

Инсон ҳаётининг гўзаллиги — ўзаро меҳр-муҳаббат барқарорлигида, барака манбаи — аҳиллик ва ҳамжиҳатликдадир. Бир-биримиз олдидаги инсоний бурчимизни садоқат билан адо қилсак, дунёда одамлар бунчалик кулфат ва азиятларни чекмаган, машаққат ва мушкулларни тезроқ бартараф этган бўлишарди.

Фозил ЗОҲИД.

СПОРТ

ХАЛҚАРО МУСОБАҚАДА

● ФРАНЦИЯНИНГ Бордо шаҳрида енгил атлетика бўйича халқаро мусобақа ўтказилди. Ёзги олимпиада ўйинларига даъвогарлик қилаётган спортчилар маҳорат кўрсатишга интилдилар. Тошкентлик лангар билан сакраш устаси Виктор Риженков ўзини кўрсатди. У 5 метр 75 сантиметрли маррани эгаллаб, ғалаба қозонди.

СОВРИНЛИ ЎРИН

● ПЕНЗА шаҳрида бадиий гимнастика бўйича Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги чемпионати ўтказилди. Ўзига хос нафосат баҳсида тошкентлик А. Зарипова совриндорлар сафидан ўрин олди. У халқа билан машқ бажаришда 9,55 балл олиб, бронза медалини қўлга киритди.

ҲОДИСА

БЎРИ... СВЕТАФОР ОЛДИДА ТЎХТАДИ

Андижон районидаги Ҳоқон қишлоғи кўчаларидан бирининг чорраҳасида бўри юрганини сезиб қолишди. Кечқурун соат 9 лар чамаси эди. Кўлларига тушган нарсалар билан қуролланган йигирма нафар кўнгиллилар чақирилмаган меҳмонни ушлашга ҳаракат қилишарди.

Қув-қув бўрининг ҳиқилдоғига паншахасини қадаган Турғунбой Абзаловнинг ҳовлисида ниҳоясига етди. Етиб келган овчилар эса ҳайвоннинг қўлоёғини боғлаб, милиция ходимларига топширдилар. Улар эса нима қилишларини билмай бошлари гаранг эди.

Бироз ўйлаб олишгач, район бўлимида бўридан экология билимларини тарғиб қилиш мақсадида фойдаланишга қарор қилдилар. Бўри учун қафас ясаб, уни район марказига қўйдилар. Болалар ва катта ёшдаги кишилар бу ерга уни тамоша қилишга кела бошлашди.

Ерлик аҳолининг фикрича, район ҳайвонот боғида ягона бўлган бу бўри қўшни Ўш вилоятининг тоғларидан келган бўлса керак. Кишиларнинг бахтига, у бирон-бир зарар келтиришга улгурмади. Қишлоқ Кенгаши бўрини ушлагани учун Турғунбой Абзаловни битта яхши қўй ва 50 сўм пул билан мукофотлади.

К. НИЗОМОВ,
(ЎзА мухбири).

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

«СПОРТ МОЛЛАРИ» РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИ

СПОРТ ЙЎНАЛИШИДАГИ МОЛЛАР САВДОСИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ САНОАТ МОЛЛАРИ ДЎКОНЛАРИНИНГ КЕНГ ТАРМОҒИГА ЭГА

АЙНИ ПАЙТДА ДЎКОНЛАРДА БАРЧА ТУРДАГИ НООЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА СОТИШ БЎЙИЧА ВОСИТАЧИЛИК БЎЛИМЛАРИ ОЧИБ ҚЎЙИЛГАН

Сизларни республикамиз шаҳарларида жойлашган дўконларимизга таклиф этамиз:

1-дўкон — Тошкент шаҳри, У. Юсупов кўчаси, 2-уй.
2-дўкон — Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 16-уй.
3-дўкон — Тошкент шаҳри, Отчопар кўчаси.
4-дўкон — Чирчиқ шаҳри, Морозов кўчаси, 1-уй.
5- дўкон — Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 152-уй.
6-дўкон — Самарқанд шаҳри, Титов кўчаси, 134-уй.
7-дўкон — Бухоро шаҳри, Талабалар кўчаси 2-уй.
8-дўкон — Андижон шаҳри, Пушкин кўчаси, 43-уй.
9-дўкон — Асака шаҳри, Коммунистик кўчаси, 32-уй.
10-дўкон — Наманган шаҳри, Ленин шоҳкўчаси, 3-уй.
11-дўкон — Фарғона шаҳри, Горький кўчаси, 29-уй.
12-дўкон — Қўқон шаҳри, Базилев кўчаси, 107-уй.
13-дўкон — Термиз шаҳри, 8-Март кўчаси, 14-уй.
14-дўкон — Тошкент шаҳри, Фарҳод ярмаркаси.
15-дўкон — Гулистон шаҳри, Калинин кўчаси, 70-уй.
16-дўкон — Урганч шаҳри, Кутузов кўчаси, 2«а» уй.
17-дўкон — Нукус шаҳри, Татибоев кўчаси, 21-уй.
18-дўкон — Ангрен шаҳри, Ленин кўчаси, 6-уй.
19-дўкон — Марғилон шаҳри, Тинчлик кўчаси, 282-уй.
20-дўкон — Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси, 11-уй.
21-дўкон — Оҳангарон шаҳри, 52-мавзе, 8-уй.
22-дўкон — Тошкент шаҳри, Олмазор даҳаси, 15/3-уй.
23/1-дўкон — Нариманов шаҳри, Лихачев кўчаси 6-уй.
24-дўкон — Каттақўрғон шаҳри, Шавқий кўчаси, 100-уй.
25-дўкон — Навоий шаҳри, Ульянов кўчаси, 17-уй.
26-дўкон — Тошкент шаҳри, Юнусобод даҳаси, 19-мавзе.
27-дўкон — Тошкент шаҳри, Юнусобод даҳаси, жамоа хўжалик бозори.
32-дўкон — Қарши шаҳри, Калинин кўчаси, 28-уй.
34-дўкон — Олмалиқ шаҳри, Москва кўчаси,
42/2-дўкон — Тошкент шаҳри, Олой бозори.
44-дўкон — Бекобод шаҳри, 3-микрорайон, 19-уй.

«СПОРТ МОЛЛАРИ» РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИ

САНОАТ, ҚУРИЛИШ ВА БОШҚА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАМОАЛАРИ, КООПЕРАТИВЛАР ВА КИЧИК КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ОРЖОНИКИДЗЕ ТАЪМИРЛАШ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ

қуйидаги турлардаги электр тўсиқлар ва электр шкафларни тайёрлаб бериш юзасидан 1992 йил учун

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

қаватли ва уч фазали электр қувватини ҳисобга олиш тўсиғи;
назорат-ўлчов асбоблари ва автоматикани бошқариш пультлари;
1500 ампергача бўлган ШСУ ва ШО -70-1-01-71 маркали тақсимлаш тўсиғи;
ПР-0312 0, 323-маркали тақсимлаш шкафи;
ШР — 4 юк насослари учун шкаф.

Тўсиқлар ва пультлар буюртмачининг хусусий чизмалари асосида тайёрланади.

Тайёрловчи ва буюртмачи ўртасидаги шартноманинг асосий шартлари буюртмачининг муқобил равишда лойиҳалар (чизмалар)да кўрсатилган миқдорда қуйидаги металл прокати маҳсулотларини; 1,5 — 2,5 мм. ли юпқа пўлат, метизлар ва лак-бўёқ маҳсулотларини етказиб беришдан иборат.

Манзилимиз: Тошкент вилояти Қибрай қўрғони

КОРХОНАЛАР, ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИ, ИЛМИЙ МУАССАСАЛАР, КООПЕРАТИВЛАР ВА КИЧИК КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

1992 йил 1 январдан бошлаб хўжалик ҳисобидаги «ГИДРОГЕОИНФОРМ» маркази ташкил этилиши муносабати билан «УЗБЕКГИДРОГЕОЛОГИЯ» ишлаб чиқариш бирлашмаси ёт ташкилотларни фойдаланиш учун геологик жамғармаларга киритишни тўхтатади.

«ГИДРОГЕОИНФОРМ» МАРКАЗИ ШАРТНОМА АСОСИДА

ЎЗИНИНГ ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТЛАРИНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ

— ер ости сувларидан фойдаланишни гидрогеологик асослаш, шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларини сув босишнинг олдини олиш, ер ости сувларининг ифлосланиши, ер ости сувларидан халқ хўжалигида фойдаланишни назорат қилиш масалалари ва атроф-муҳитни муҳофазалаш билан боғлиқ бошқа муаммолар юзасидан малакали хулосалар, рухсатномалар, маълумотномалар ва бошқа расмий ҳужжатларни тайёрлаш ва бериш.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700041, Тошкент шаҳри, Академиклар шаҳарчаси, Морозов кўчаси, 64 «а» уй, КОМП.

Телефонлар: 62-76-66, 62-74-96, 62-75-92.

●

«УЗАГРОСТРОЙ» ишчилар таъминоти бошқармасининг

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида жойлашган

15-ИШЧИЛАР ТАЪМИНОТИ БЎЛИМИ

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади. 707000, Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Калинин кўчаси, 134-уй.

Телефонлар: 23-697, 22-067, 15-ишчилар таъминоти бўлими.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

4-шифохона маъмурияти ва касаба уюшмаси ташкилоти маҳалла шифокори **Ўғилой АБДУЖАББОР қизининг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат Академик драма театри жамоаси театр ходими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими **Неъматилла САЪДУЛЛАЕВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № 221

№ 27.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00 Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.